

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

7-сон
(1079)
2023 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-хуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

47. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 15 февралдаги ЎРҚ-817-сон Қонуни
48. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2022 йил 29 март) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 15 февралдаги ЎРҚ-818-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

49. «Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПФ-24-сон Фармони

50. «Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 февралдаги ПҚ-54-сон қарори
51. «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сон қарори
52. «Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-59-сон қарори

Учинчи бўлим

53. «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридағи Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизматлари ходимлари малакасини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 февралдаги 62-сон қарори
54. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап» (President Tech Award) танловини ўtkазиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 февралдаги 66-сон қарори

Бешинчи бўлим

55. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 27 январдаги «Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2238-4*)
36. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/27-сон «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-5*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

47

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
27 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 19 ноябряда
маъқулланган

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳкумлар учун қулай шарт-шароитлар яратилишини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда, шу жумладан озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларни сақлаш шарт-шароитларини инсонпарварлик нуқтаи назаридан янада яхшилашни назарда тутувчи қонунчиликни такомилластириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия амалиёти таҳлили ва жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқот натижалари маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш, уларни сақлаш шарт-шароитларини янада яхшилаш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқластириш, шунингдек жазоно ижро этиш муассасаларида меҳнатга жалб этилган маҳкумларга ҳақ тўланадиган ишлаш даврини уларнинг умумий меҳнат стажига кўшиб ҳисоблаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ушбу Қонун билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг умумий меҳнат стажига ишланган ҳамда ижтимоий солик тўланган даврни кўшиб ҳисоблашни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия қонунчилигига маҳкумларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, файриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ёхуд жазо турларининг қўлланилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги нормалар, шунингдек маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганигини белгиловчи мезонлар киритилмоқда.

Мазкур Қонун маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 февралда эълон қилинган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 938–ХII-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 5, 464-модда) **37-моддасининг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги «**к**» банд билан тўлдирилсин:

«**к**) озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахсларнинг жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўташ даврида бажарадиган ҳар қандай иши, агар ушбу иш бажарилган давр учун жазони ижро этиш муассасаси томонидан ижтимоий солик тўланган бўлса».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 8-модда:

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳкумларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, файри-инсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ёхуд жазо турларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) 9-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси «таржимоннинг» деган сўздан кейин «шу жумладан сурдотаржимоннинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **70-модда** чиқариб ташлансин;

4) **81-модданинг:**

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахслар ишдан бўш соатларда, тунги дам олиш учун ажратилган вақтдан ташқари, кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриш, радио эшиттиришлар эшитиш хуқуқига эга»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

5) **84-модда:**

иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «аёллар ва» деган сўзлар «аёллар, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган умумий турар жойлар маҳсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак»;

6) **88-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлигининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борича, ихтисослиги ҳисобга олинган ҳолда ишлаши керак»;

7) **96-модда:**

номи ва биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«96-модда. Ижтимоий солиқни тўлаш ва маҳкумларнинг пенсия таъминоти

Жазони ижро этиш муассасаларининг озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахслар меҳнатига ҳак тўлашга доир харажатлари ижтимоий солик бўйича солиқ солиш обьектидир»;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ижтимоий солиқ тўланган давр озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахсларнинг умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Муассаса маъмурияти маҳкумнинг жазони ўташи даврида солиқ тўланганлиги ҳақидаги маълумотномани:

маҳкум жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинишидан камида уч иш куни олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига электрон тарзда юборади;

жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинаётганида маҳкумга қофоз шаклида беради»;

иккинчи — бешинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

8) қўйидаги мазмундаги **97¹-модда** билан тўлдирилсин:

«97¹-модда. Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини аниклаш мезонлари

Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг ту-

залиш йўлига ўтганлиги ушбу Кодекснинг 102¹-моддасида назарда тутилган комиссия томонидан ҳар чорак якунларига кўра қўйидаги мезонлардан бири асосида белгиланади:

маҳкумнинг меҳнатга вижданан муносабатда бўлиши, белгиланган меҳнат нормаларини бажариши, онгли равишда мустақил ишлаш кўнилмаларининг шаклланганлиги, ўқишга ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқиши;

маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасаларида ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирлардаги иштироки, унинг ташабуси, бошқа маҳкумларга ибрат бўлишга интилиши;

маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасасида ўрнатилган ички тартиб-коидаларига риоя этиши, маҳкумга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилганлиги, унга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилмаганлиги.

Маҳкумни тузалиш йўлига ўтган ёки ўтмаган деб топиш тўғрисидаги хулоса комиссия томонидан расмийлаштирилади ва маҳкумнинг шахсий йиф-мажилдига қўшиб қўйилади.

Комиссия томонидан тузалиш йўлига ўтмаган деб топилган маҳкумлар билан тарбиявий-профилактика ишлари муассаса психологини жалб этган холда алоҳида режа асосида амалга оширилади.

Тузалиш йўлига ўтмаган деб топилган маҳкум комиссиянинг хулосаси устидан ушбу Кодекснинг 107-моддасида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли»;

9) 102-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан ушбу Кодекс 97¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган мезонлар асосида рағбатлантириш чоралари қўлланиллади»;

10) 102¹-модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумларни рағбатлантириш масалалари, шу жумладан қўлланилаётган рағбатлантириш чораларининг ушбу Кодекс 97¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган мезонларга мувофиқлиги жазони ижро этиш муассасасида тузилган комиссия томонидан кўриб чиқилади ва улар бўйича хулоса қабул қилинади»;

11) 113-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «тузалиш йўлига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 116-модданинг иккинчи қисмидаги, 118-модданинг иккинчи қисмидаги, 120-модданинг иккинчи қисмидаги ва **124-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «Тузалиш йўлига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 131-модданинг биринчи қисмидаги «Ижобий тавсифга эга маҳкума аёлларга» деган сўзлар «Тузалиш йўлига ўтган маҳкума аёлларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 164-модданинг тўртинчи қисмидаги «маҳкум белгиланган ре-

жимга ва меҳнатга виҷданан муносабатда бўлса» деган сўзлар «маҳкум ту-залиш йўлига ўтган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 15 февраль,
ЎРҚ-817-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

48 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида маҳқумларни топшириш тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2022 йил 29 март) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
18 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида маҳқумларни топшириш тўғрисидаги битим (Тошкент, 2022 йил 29 март) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 15 февраль,
ЎРҚ-818-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 февралда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

49

Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда яйловларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, каврак етиширишни янада ривожлантириш ҳамда яйловларда ресурс тежовчи технологияларни кенг қўллаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридағи Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда — Кўмита) Испания ва Португалияning етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ҳалқаро молия институтларининг 7,8 млн АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағлари ҳисобидан 2023 йилда:

Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида йиллик қуввати 10 минг тонна бўлган майда шохли моллар учун витамин ва минераллар билан бойитилган омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил қилиш;

Самарқанд вилоятида Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти базасида Чорва ҳайвонлари генетик тадқиқоти лабораториясини ташкил қилиш;

Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмасига аъзо қоракўлчилик-наслочилик хўжаликларида 500 минг бош майда шохли молларни рақамли идентификация қилиш чораларини кўрсинг.

Бунда, ушбу омухта ем ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий этган ҳолда дон етишириш учун Қўмитага қарашли 800 гектар яйлов ўзлаштирилади.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов), Қўмита (Б. Шарипов) ҳалқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан Қўмитага қарашли 500 гектар яйловда қуёш энергиясида ишлайдиган насос агрегатлари ёрдамида еrosti сувларини чиқариш ҳамда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича намунавий пилот лойиҳани амалга оширсинг.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов) мазкур Фармоннинг 1- ва 2-бандларида назарда тутилган тадбирлар учун жалб этилган ҳалқаро молия институтларининг, шу жумладан Франция тараққиёт агентлигининг (чорвачиликни ривожлантириш учун ажратилган) грант маблағларини ажратиш чораларини кўрсинг.

4. Қўмита унга қарашли яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида масъул орган этиб белгилансинг.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 февралда эълон қилинган.

5. Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишга доир чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

6. Қўмита унга қарашли яйловларда:

яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, шу жумладан фойдаланувчиларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар яйловлардан оқилона ва мақсадли фойдаланишини ташкил этиш ва назоратни амалга ошириш;

каврак етиштиришни ривожлантириш, ёввойи холда ўсувчи каврак ўсимлигидан самарали фойдаланиш ҳамда унинг тарқалиш майдонларини асраб қолиш ва маданий каврак плантацияларини кўпайтириш;

яйловлардан фойдаланишда давлат назорати ҳамда самарали бошқарувини амалга ошириш чораларини кўрсинг.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимларни Қўмита билан биргаликда 2023 йил 1 августга қадар:

жисмоний ва юридик шахсларга ижарага берилган яйлов ер майдонлари (ўрмон фонди ерлари бундан мустасно) хатловдан ўтказсин, яйловлардан фойдаланишнинг ҳолати ҳамда шартнома талаблари бажарилганлигини ўргансин;

хатлов ва ўрганиш натижаларига кўра шартнома шартларини бажармаган, хусусан яйлов ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланган ҳолатлар юзасидан қонунчиликда белгиланган чораларни кўрсинг ва ушбу яйлов ер майдонларини Қўмитанинг доимий фойдаланишига ўтказиш бўйича таклиф киритсин;

яйлов ер майдонларининг электрон хисобини юритишни йўлга қўйсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра маданий каврак плантацияларини ташкил этишда экиш далолатномалари расмийлаштирилган вақтдан бошлаб икки йил давомида Қўмита томонидан даврий мониторинг амалга оширилади ҳамда мониторинг якунига кўра ўсимлик униб чиқсан майдон Табиат ресурслари вазирлиги томонидан плантация сифатида давлат реестрига киритилади. Бунда:

Қўмита Табиат ресурслари вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда уч ой муддатда яйлов ер майдонларида ташкил этилган каврак ўсимлигининг маданий плантацияларини хатловдан ўтказсин;

Табиат ресурслари вазирлиги хатлов ва ўрганиш натижалари якунига кўра маданий каврак плантацияси деб топилмаган плантацияларнинг давлат реестридан чиқарилишини таъминласин.

9. Қўмита Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Табиат ресурслари вазирлиги ҳамда бошка манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмасига аъзо хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чегара олди зonasи ва чегара олди минтақасида жойлашган яйловлардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўсимлик дунёси объектларига етказилган заарар миқдорини хисоб-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лашда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилмаган сассиқ каврак (*Ferula assa-foetida*) ўсимлигининг ҳар бир килограмм шираси (смола), уруғи ва ҳар битта тупи учун етказилган зарарни хисоблаш миқдори базавий хисоблаш миқдорининг 1 коэффициенти, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган тожик кавраги (*Ferula tadshikorum Pimenov*) ўсимлигининг ҳар бир килограмм шираси (смола), уруғи ва ҳар битта тупи учун етказилган зарарни хисоблаш миқдори эса базавий хисоблаш миқдорининг 1,5 коэффициенти этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган тожик кавраги ўсимлигининг табиий популяцияси, такрор қўпайиши ва қайта тикланишини таъминлаш мақсадида жорий йилдан бошлаб уч йил муддатга тожик каврагидан фойдаланишга мораторий жорий этилсан.

Қўмита Табиат ресурслари вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда унга қарашли ер майдонларида каврак ўсимлигининг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳамда киритилмаган барча турларидан тегишли рухсатномасиз фойдаланганлик (табиатдан ажратиб олиш, ўифиш, кесиш, зарар етказиш, нобуд қилиш) ва сотганлик учун тегишли чораларни кўриб борсин.

11. Ички ишлар вазирлиги Қўмита талабномаларига кўра яйлов хўжалиги йўналишидаги лойихаларни амалга оширишга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга белгиланган тартибда кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вактинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ҳамда муддати узайтирилишини таъминласин.

12. Қўмита Ташқи ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда каврак етиштиришга ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларни малакали ишчилар билан таъминлаш мақсадида:

мазкур субъектлар талабномаларига асосан республика ҳудудларида ташкил этилган мономарказларда яйловлардан самарали фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни қўллаш, каврак ўсимлигини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича тайёрлов курсларини ташкил этиш;

тайёрлов курсларида ўқув машғулотлари сифатли ўтказилиши, шу жумладан машғулотларга юқори малакали мутахассислар жалб қилинишини таъминлаш;

маданий каврак плантацияларини ташкил этиш ҳамда табиий каврак ўсимлиги маҳсулотларини ўифиб олишда тадбиркорлик субъектларининг талабномасига асосан хорижий давлатлардан мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қўмита билан биргаликда бир ой муддатда яйловлардан самарали фойдаланиш, чўл-яйлов озуқабоп ўсимликларини қўпайтириш ҳамда уларнинг серҳосил янги нав ва дурагайларини яратиш, шунингдек, каврак етиштириш йўналишида кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотлар олиб боришни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги уч ой муддатда яйловлардан самарали фойдаланиш, чўл-яйлов озуқабоп ўсимликларининг янги нав ва дурагайларини яратиш, шунингдек, каврак етишириш йўналишида давлат илмий-техник лойиҳаларини эълон қилсин.

14. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги каврак маҳсулотларини олиб киришда Ҳиндистон давлатининг импорт божларини бекор қилиш масаласини ушбу давлат билан ўтказиладиган хукуматлараро комиссия мажлисларининг кун тартибига киритиш бўйича музокаралар ўтказсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Қўмитанинг доимий фойдаланишидаги яйлов ер майдонларини ижарага бериш тартибини ҳамда Бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш, сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қўмита, Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2023 йил 1 сентябрга қадар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси-нинг «Яйловлар тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини;

икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов ҳамда Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Қ. Шарипов белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринbosари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 16 февраль,
ПФ-24-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 16 февралдаги
ПФ-24-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6059-сон Фармонида:

а) 4-банндаги «2021 — 2025 йилларга» сўзлари «Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган яйловларда 2021 — 2025 йилларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг учинчи хатбошисидаги «доимий эгалигига» сўзлари «доимий фойдаланишига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 14-банд «а» кичик бандининг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўмита томонидан кластерларга ижарага берилиб, фойдаланимаётган яйловларнинг Қўмитага қайтарилиши ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга танлов орқали ижарага берилишини таъминласин»;

г) 2-илованинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш
кўмитасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли
бўлган яйловларда 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган
Ўзбекистон Республикасида қоракўлчиликни
ривожлантиришнинг
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ».**

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги «Республикада каврак етиштиришни ривожлантириш ва саноатлаштиришни рафбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-116-сон Фармонида:

а) 7-бандда:

«а» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Қўмитанинг доимий фойдаланишидаги ер майдонларида:

ёввойи ҳолда ўсуви каврак ўсимлигининг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳамда киритилмаган барча турларини ғамлаш (йифиш) учун квоталар Қўмитанинг буюртмасига кўра, тўлов эвазига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси асосида Табиат ресурслари вазирлиги томонидан тасдиқланади;

мазкур квоталар доирасида ёввойи ҳолда ўсуви каврак ўсимлиги хомашёсидан маҳсус фойдаланиш учун ҳамда ёввойи ҳолда ўсуви каврак ўсим-

лигининг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳамда киритилмаган барча турларини четга олиб чиқиш учун рухсатномалар Қўмита томонидан берилади. Бунда ёввойи ҳолда ўсуви каврак ўсимлигини фамлаш (йифиш) ва четга олиб чиқиш учун рухсатномалар ажратиладиган квотанинг камида 50 фоизи ҳажмида маданий плантацияларни барпо этиш шарти билан берилади»;

«б» кичик банднинг тўртинчи хатбошисидаги «1 февралигача» сўзлари «1 апрелигача» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банд «а» кичик бандининг биринчи хатбошисидаги «доимий эгалигига» сўзлари «доимий фойдаланишида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 10-банднинг «б» кичик банди қуидаги тахрирда баён этилсин:

«б) Қўмита Уюшма билан биргаликда қоракўл ва қоракўлча тери, жун ва каврак маҳсулотлари (ТИФ ТН бўйича 4302197500, 0504000000, 5101 — 5109, 5602, 570110, 5701109, 1301 90 0000 кодлари) экспорт ҳажмлари мониторингини юритади ва ушбу маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини ошириш чораларини кўради»;

г) 1-илова қуидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: каврак плантациялари майдонлари ҳажми йиллар кесимида ўсиб бориш тартибида кўрсатилган».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги «Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни кўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5178-сон қарорининг 1-банди «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги «Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилган шартномаларни электрон рўйхатдан ўtkазиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 249-сон қарори 1-иловаси 454-позициясининг «Асосий бирликлар» устунидаги «Юза» сўзи «Юза/микдор» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

50 Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-269-сон Фармонига мувофиқ Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Ўзэнергоинспекция) ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга кўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармонига мувофиқ Ўзэнергоинспекциянинг Давлат бюджети хисобидан молиялаштириладиган жами бошқарув штат бирликлари сони 357 та, шу жумладан Ўзэнергоинспекция бошлиғи ўринбосарларининг сони 2 нафар этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзэнергоинспекция фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш (қазиб чиқариш), қайта ишлаш, узатиш (ташиш), тақсимлаш ва истеъмол қилиш, уларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, ёқилғи-энергия ресурсларини талон-торож қилиш ва ноқонуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатларини, шунингдек, уларни содир этишга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган ҳамда тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ёқилғи-энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни аниқлаш ва бартараф этиш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) энергетика обьектларида бахтсиз ҳодисалар ва технологик бузилишлар (авариялар)

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 февралда эълон қилинган.

нинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва унинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ҳамда энергия са-марадор ва энергия тежовчи замонавий технологияларни жорий қилиш, шунингдек, энергия ресурсларини истеъмол қилиш самарадорлигининг монито-рингини олиб бориш;

ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишини таъ-минлаш бўйича истеъмолчилар (ахолидан ташқари) томонидан бажарила-диган чора-тадбирларнинг энергия самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун ёқилғи-энергия ресурслари истеъмолининг меъёрлари бажарилиши ва келгу-сида такомиллаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш.

3. Белгилансинки:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан Ўзэнергоинспекция ходимлари зим-масига уларнинг ваколатига кирмайдиган вазифаларнинг юкланиши тақиқла-нади;

давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назо-рат қилувчи органлар мазкур қарорга мувофиқ Ўзэнергоинспекцияга унинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиши шарт;

Ўзэнергоинспекция зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар унинг қонуний та-лабига кўра бепул тақдим этилади;

Ўзэнергоинспекция томонидан ёқилғи-энергия ресурсларини беху-да сарфлаш, улардан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш холатларини аниқлаш борасида давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ назорат тадбирлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисоблан-майди;

Ўзэнергоинспекция ходимлари хизмат гувоҳномалари бўлган тақдирда, сутканинг исталган вақтида истеъмолчиларнинг ёқилғи-энергия ресурсларини ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини ёзиб олиш ва уларнинг хо-лати, уланиш схемалари ва қурилмаларини кўриқдан ўтказиш учун ҳисоб-га олиш ускуналари, схемалари ҳамда қурилмаларини тўсқинликсиз бориб кўришга ҳақли;

Ўзэнергоинспекция Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари ўрнатилишини назо-рат қилади ва белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан чоралар кўриш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб боради.

4. Бош прокурорнинг ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳаси-да қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратни амалга оширишга масъул бўлган ўринbosари (кейинги ўринларда — Бош прокурор ўринbosари) лавозими киритилсин.

Белгилансинки, Бош прокурор ўринбосари:

Ўзэнергоинспекция зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни бажарышга амалий ёрдам кўрсатади;

Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Иктиносидий жиҳоятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини мувофиқлаштиради.

Бош прокуратура икки ҳафта муддатда ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

Ўзэнергоинспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини мазкур қарор билан белгиланган устувор ўнналишлар асосида янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни самарали амалга ошириш масъулияти шахсан энергетика вазири Ж.Т. Мирзамаҳмудов ва Бош прокурор ўринбосари зиммасига юклансин.

5. Ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш ва бу борадаги жараёнларни рақамлаштириш мақсадида:

а) мавжуд электр ва газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг юкламаси белгиланган меъёрдан ошган тақдирда, уларга янги истеъмолчиларни улаш қатъиян тақиқлансан;

б) 2023 йил 1 марта бошлаб:

назорат тадбирларини амалга оширишда тафовутларни аниқлаш мақсадида Ўзэнергоинспекцияга «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖларнинг электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларидаги ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни мониторинг қилиш имконияти яратилсан;

электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик бўйича тузилган далолатномаларни электрон шаклда расмийлаштириш ва тегишли маълумотларни «E-ma‘muriy ish» тизимида киритиш тартиби жорий этилсан;

в) 2023 йил 1 июлдан бошлаб юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан электр энергияси ҳамда табиий газни етказиб бериш бўйича шартномалар электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминоти ёхуд «Шаффоғ қурилиш» миллий ахборот тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тузилиши белгилансин.

Бунда:

мазкур тартиб юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли бўйича лимитларни белгилаш ва уларга ўзгартиришлар киритишга ҳам татбиқ этилади;

давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига автоматик равища юборилиши таъминланади;

бюджет буюртмачилари билан тузилган шартномалар ғазначилик бўлинмаларида электрон шаклда (инсон омилисиз) рўйхатдан ўтказилади;

г) 2023 йил 1 октябрга қадар мавжуд электр энергияси ва табиий газни узатиш ҳамда тақсимлаш тармоқлари ва қурилмалари юкламаси ошиб кетишининг олдини олиш имкониятини яратиш мақсадида улар геоахборот тизимиға киритилсін ҳамда электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминоти ҳамда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграция қилинсін.

Бунда, электр энергияси ва табиий газни узатиш ҳамда тақсимлаш тармоқлари ва қурилмалари мазкур тизимлар билан интеграция қилингандан сүнг электр ва газ тармоқларига уланиш нұқталари автоматлаштирилгандар тарзда инсон омилисіз танланади;

д) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб электр ва газ тармоқлари ва қурилмаларини қуришда лойиха ҳужжатларини ваколатлы органлар билан келишиш тегишлича электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминотлари орқали аник муддатларда амалга оширилиши белгилансин.

Энергетика вазирилги Рақамли технологиялар вазирилги, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «UzGasTrade» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминотлари ишлаб чиқилиши ва ишга туширилиши ҳамда мазкур бандда назарда тутилган техник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

6. Ўзэнергоинспекция «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда:

а) доимий равишида:

юридик ва жисмоний шахсларга тегишли энергетика объектлари (кейинги ўринларда — объектлар) рўйхатини шакллантириб борсин;

объектларда истеъмол қилинаётган ёқилғи-энергия ресурслари ҳажмини аниқлаб борсин;

объектларда ёқилғи-энергия ресурслари бехуда сарфланиши ва сифат талабларига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлаб борсин ва улар бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрсин;

тизимли асосда ёқилғи-энергия ресурсларидан ноконуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга оширасин;

объектларнинг тармоқларга тўғри уланганлиги ва ҳисоблагичлар мавжудлиги, уларнинг техник талабларга ва стандартларга мувофиқлигини текшириб борсин, шунингдек, айбдор бўлган мазкур объектлар ходимлари ва уларга хизмат кўрсатган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда жаобгарликка тортиш чораларини кўрсин;

объектларда ўрнатилган ҳисоблагичларнинг электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларига мослигини ўргансин;

б) ҳар ойда электр ва газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг юкламалари ва созлигини текшириб бориб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

Бунда, Ўзэнергоинспекция ҳар ойда Бош прокурор ўринбосари ва энергетика вазирига мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан хисобот киритиб борсин.

7. Бош прокуратура Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирилиги, Энергетика вазирилиги билан биргаликда бир хафта муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритисин:

электр энергияси, газ ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш орқали талон-торож қилиш ҳолатларини ўғрилик жинояти сифатида белгилаш;

Ўзэнергоинспекциянинг электр энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш (мансабдор шахсларга нисбатан) ваколатини белгилаш;

Ўзэнергоинспекция томонидан берилган ёзма кўрсатма ва тақдимномаларни бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш.

8. Энергетика вазирилиги ва Бош прокуратуранинг қўйидаги маблағларни Ўзэнергоинспекциянинг белгиланган тартибда очиладиган маҳсус ғазна хисобвараига йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан:

Ўзэнергоинспекция иштирокида ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ қоидабузарликлар бўйича ундирилган зарар суммасининг 25 фоизи;

истеъмолчилар томонидан қувват коэффициентининг норматив қиймати ушлаб турилмаганлиги натижасида юзага келган электр энергиясининг қўшимча йўқотилиши билан боғлиқ тўловлардан «Худудий электр тармоқлаш» АЖ филиалларига тушган маблағларнинг 50 фоизи;

Ўзэнергоинспекция томонидан қўлланилган маъмурий жарималар ва иқтисодий санкциялар бўйича ундирилган маблағларнинг 50 фоизи;

Ўзэнергоинспекция томонидан пулли хизматларни кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда, маҳсус ғазна хисобвараидаги маблағлар қўйидаги мақсадларда ишлатилиши назарда тутилсан:

Ўзэнергоинспекция ходимларини моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Ўзэнергоинспекция ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

Ўзэнергоинспекцияга шартнома асосида эксперт ва мутахассисларни унинг зиммасига юклangan вазифаларни самарали бажариш учун жалб қилиш. Бунда, шартнома асосида жалб қилинадиган эксперт ва мутахассислар мақоми бўйича Ўзэнергоинспекция ходимларига тенгглаштирилади;

Ўзэнергоинспекция вазифаларини самарали амалга ошириш ҳамда ахборот технологияларини жорий этиш ва модернизация қилиш.

9. Энергетика вазирилиги:

а) Рақамли технологиялар вазирилиги билан биргаликда 2024 йил якуни-

га қадар электр энергиясининг диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA), шунингдек, ишлаб чиқаришдан бошлаб якуний истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча жараёнларга электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари (ЭНХОАТ, ГНХОАТ) тўлиқ жорий этилишини таъминласин.

Бош прокуратура мазкур тизимлар тўлиқ жорий этилишини алоҳида назоратга олсин;

б) «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда электр ва газ тармоқларига уланиш учун техник шартлар талаблари ва уларни бериш тартибини халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш ва белгилаш бўйича Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Махкамасига киритсан.

10. «Ўзтрансгаз» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ Солиқ қўмитаси билан биргаликда 2023 йил 1 июня қадар ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, инсон омилисиз қайта ҳисоб-китоб қилиш, етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва Солиқ қўмитаси базасида параллел равища ҳисобга олишни назарда тутувчи дастурий таъминотни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

«Ўзтрансгаз» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, «UzGazTrade» АЖ, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ мазкур дастурий таъминотни ишлаб чиқишида истеъмолчилар базасини шакллантириш ҳамда биллинг тизимлари билан интеграциясини таъминлаш мақсадида «UZINFOCOM» давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-куватлаш бўйича ягона интегратор» МЧЖга барча бирламчи маълумотларни тақдим этсин ва биллинг тизимлари билан боғланишга рухсат берилсин.

11. Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 июня қадар:

бино ва иншоотлар ҳамда улардан фойдаланиш турларига кўра муқобил энергия, табиий газ, электр энергияси, ирригация, ичимлик сув ва оқава сувлар сарфининг стандарт ҳажмларини қатъий белгилайдиган мезонларни тизимга жорий қилсин;

объектларнинг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини техник шартларни рақамлаштирган ҳолда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими орқали амалга оширасин.

12. Энергетика вазирлиги энергетика тармоқлари тархлари, мавжуд тармоқларнинг жорий ҳолати ва даврий юкламаларини рақамлаштирган ҳолда уларнинг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимига интеграциясини таъминласин ва ҳар ойда маълумотлар базасини янгилаб борсин.

13. Ўзэнергоинспекция 2023 йил 1 майга қадар ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни онлайн расмийлаштириш учун барча ходимларни маҳсус планшетлар билан таъминласин.

14. Энергетика вазирлиги Баш прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини танқизий кайта кўриб чиқиб, янгиланган қоидаларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзэнергоинспекция тўғрисидағи низомни тасдиқласин.

16. Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов ҳамда Баш прокурор ўринбосари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 13 февраль,
ПҚ-54-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**51 2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва
энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадал-
лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали республика худудларида энергия тақчиллиги қопланишини таъминлаш, бу борадаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда инвесторлар учун қулай шароитлар ва рафбатлантириш механизмларини жорий қилиш мақсадида:

1. Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг 2023 йил учун қўйидагиларни назарда тутувчи таклифлари қўллаб-кувватлансан:

умумий қуввати 4 300 МВт бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини, шу жумладан 2 100 МВт — йирик қуёш ва шамол электр станциялари, 1 200 МВт — ижтимоий соҳа обьектлари, хўжалик субъектларининг бино ва иншоотлари ҳамда хонадонларда ўрнатиладиган қуёш панеллари, 550 МВт — тадбиркорлар томонидан барпо этиладиган кичик фотоэлектр станцияларини ишга тушириш;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш орқали 2023 йилда қўшимча 5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 4,8 миллиард метр куб табиий газни иқтисод қилиш;

ушбу мақсадларга жами 15,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни ўнталтириш, шу жумладан 13,4 миллиард АҚШ доллари — давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида инвесторлар маблағлари, 1,1 миллиард АҚШ доллари — тижорат банклари кредитлари, 610 миллион АҚШ доллари — корхоналарнинг ўз маблағлари, 150 миллион АҚШ доллари — хорижий молиявий ташкилотлар маблағлари ва 100 миллион АҚШ долла-ри эквивалентидаги Давлат бюджети маблағлари.

2. Давлат-хусусий шериклик асосида 2023 йилда 27 та йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳаларининг манзилли рўйхати 1-иловага** ҳамда йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини электр узатиш тармоқларига улаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати 1а-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

Мазкур лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов, инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Курратов ҳамда Стратегик ислоҳотлар агентлиги бош директори Ш.А. Вафаев зиммасига юклатилсан.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2023 йил 17 февралда эълон қилинган.

** 1-1а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

3. Стратегик ислоҳотлар агентлиги (Ш. Вафаев) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов) билан биргаликда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва электр энергияси тармоқларини модернизация қилиш бўйича лойиҳалар учун 2023 йил 1 июляга қадар халқаро молиявий ташкилотлардан қўшимча 2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни жалб қилиш бўйича келишувлар имзоланишини таъминласин.

4. Энергетика вазирлигига 2023 йил 1 сентябрга қадар йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар доирасида бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан халқаро ва маҳаллий лойиҳа-қидирув институтлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузган ҳолда қурилиш майдонларида ўрганишлар ўтказишга рухсат берилсин.

5. 2023 йилда 20 мингта ижтимоий соҳа обьектлари ва давлат идораларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Мазкур режанинг бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари зиммасига юклатилсан.

6. Энергетика вазирлиги ҳамда тижорат банкларининг ижтимоий соҳа обьектлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бино ва иншоотларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш бўйича масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Яшил энергия» компаниясини (кейинги ўринларда — Компания) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

Белгилансинки:

Компания ўз ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотлари бино-иншоотларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатганда, ушбу бино-иншоотларнинг тегишли қисмларидан ижара хуқуқи асосида бепул фойдаланади. Бунда, ижара шартномалари белгиланган тартибда солик органларида рўйхатдан ўтказилади;

Компанияга маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилардан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ва уларнинг эҳтиёт қисмларини харид қилиш, ўрнатиш ва уларга сервис хизматларини кўрсатиш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади.

7. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) уч кун муддатда мазкур қарорга 2-иловадаги режа бажарилишининг ойма-ой графигини тасдиқласин ва унинг ижроси юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

Вазирликлар, давлат идоралари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари ўзларининг тузилмаларидаги идора ва ташкилотларнинг биноларида қуёш панеллари ўрнатилишига шахсан жавоб бериши тўғрисида қатъий огохлантирилсан.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Савдо саноат палатаси ва тижорат банкларининг З-иловага* мувофиқ 2023 йилда жами 11 минг нафар тадбиркорнинг бино ва иншоотларида қуёш панеллари ўрнатиш ҳамда кичик фотоэлектр станцияларини барпо этиш режаси қўллаб-куватлансин.

Мазкур режалар тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Марказий банк раисининг ўринбосари А.А. Турдалиев ва Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимларининг инвестициялар масалалари бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

9. Белгилансинки:

2023 йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВт гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса — ўн йил муддатга озод этилади;

2023 йил 1 марта бошлаб ягона электр энергетика тизимида уланиш учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини электр тармоқларига улашда қўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди.

10. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан хорижий инвесторларга:

қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат органига ва (ёки) ҳудудий электр тармоқларига ўрнатилган тарифларда, бошқа истеъмолчиларга ўзаро келишилган нархларда тўғридан-тўғри тузилган, шу жумладан узок муддатли шартномалар асосида сотишга;

бошқа шахсларга тегишли обьектларда ижара ҳукуқи асосида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиб, ушбу қурилмаларда ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишга рухсат берилади.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки:

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган тадбиркорлик субъектлари томонидан ой давомида ягона электр энергетика тизимида узатилган ва истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмининг ҳисоби «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ биллинг тизимида юритилиб, ой якуни билан тармоққа узатилган ва истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ўртасидаги тафовутга асосан ўзаро ҳисоб-китоб қилинади. Бунда, «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ томонидан электр энергиясини сақлаб бериш хизмати учун ҳақ олинмайди;

қуввати 300 кВт ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергияси ушбу манбалар Энергетика вазирлигига рўйхатдан ўтказилганидан кейингина амалга оширилади.

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

12. Марказий банк ва тиҷорат банкларининг тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини сотиб олиш ва ўрнатиш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш учун 2023 йил 1 марта бошлаб «яшил энергия» банк молия продуктини амалга киритиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

13. Энергетика вазирлиги икки ҳафта муддатда:

фотоэлектр станцияларини, шу жумладан кичик қувватли қурилмаларни ўрнатиш учун қулай бўлган истиқболли майдонлар рўйхатини эълон қилсин;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда қизиқиш билдирган тадбиркорларга электр энергиясини сотиш бўйича намунавий шартнома ва техник талаблар етказилишини таъминласин.

14. Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов, Ф. Арзиев) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Курратов) ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда бир ой муддатда Хитой компанияларини жалб қилган ҳолда республика худудларида қуёш панелларини етказиб бериш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳалар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

15. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб республика худудларида аҳоли хона-донларига кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВт гача) қуёш панелларини ўрнатиши рағбатлантириш бўйича «Қуёшли хонадон» дастури (кейинги ўринларда — Дастур) амалга оширилсин.

2023 йилда 37 минг аҳоли хонадонларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш режаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Дастур доирасида:

а) жисмоний шахсларга тегишли обьектларда ўрнатилган қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига Давлат бюджетидан 1 000 сўмдан субсидия ажратилади (кейинги ўринларда — субсидия). Бунда:

субсидия ҳар ой якуни билан жисмоний шахслар томонидан ягона электр энергетика тизимига узатилган энергия ҳажми ва тизимдан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ўртасидаги ижобий тафовут миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади;

субсидия тўловлари жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби-га киритилмайди;

субсидия солиқ органлари томонидан ҳар ойда «Soliq» мобил иловаси орқали ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 25-санасига қадар фуқароларнинг банк пластик карталарига ўтказиб берилади;

б) жисмоний шахслар томонидан ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергияси ҳажми:

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

о́й давомида ягона электр энергетика тизимидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмидан кўп бўлган тақдирда, шу о́й учун электр энергияси бўйича «Худудий электр тармоқлари» АЖга тўлов қилинмайди;

о́й давомида ягона электр энергетика тизимидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмидан кам бўлган тақдирда, шу о́й учун электр энергияси бўйича тўловлар истеъмол қилинган ва узатилган электр энергияси фарқидан келиб чиқиб ҳисобланади;

в) «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан текинга олинган электр энергияси даромад сифатида ҳисобга олинмайди.

16. Белгилансинки:

Дастур доирасида субсидияларни ажратиш ва ҳисоб-китоб қилиш тизимининг тўлақонли ишлаши Марказий банк (М. Нурмуратов), Солик қўмитаси ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ (У. Мустафоев) томонидан таъминланади;

Дастурни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадлари бўйича прогнознинг ошириб бажарилган қисми ҳамда 2023 йил 1 чорак якунлари бўйича Давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш ҳисобидан молиялаштирилади;

Дастурнинг бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринbosарлари зиммасига юклатилиди;

Дастурнинг узлуксиз ва шаффоф ишлашини назорат қилиш Бош прокурор ўринbosари Ш. Аминов зиммасига юклатилади.

17. 2023 йилда фойдаланишга топшириладиган 765 та кўп қаватли ўйларни қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминлаш режаси 5-илова* мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу режанинг бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Зокиров ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринbosарлари зиммасига юклатилсин.

18. 2023 йил 1 майдан бошлаб фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли ўйлар томлари бўш қисмининг камида 50 фоизида күёш панелларини ўрнатиш талаби жорий қилинсин.

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Зокиров):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлклари билан биргаликда бир ҳафта муддатда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда кўп қаватли ўйларда күёш панелларини ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш компаниялари ташкил қилинишини таъминласин;

Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов) ва Божхона қўмитаси (А. Мавлонов) билан биргаликда бир ой муддатда республика худудларидағи күёш панелларини ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш компаниялари мута-

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

хассисларида зарур кўникмаларни шакллантирган ва техник маълумотлар етказган ҳолда уларнинг малакасини оширсин.

19. Божхона қўмитаси (А. Мавлонов):

а) Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия таъминотини ташкил этиш учун асбоб-ускуналар, техника, хом ашё, бутловчи ва уларнинг эҳтиёт қисмлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларини қабул қилиш;

белгиланган стандарт талабларига мос келмайдиган қуёш панеллари республика ҳудудига олиб кирилишининг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрсин;

б) фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйларга қуёш панелларининг сифатли ўрнатилишини доимий назоратга олсин;

в) бир ҳафта муддатда қуёш панелларини импорт қилишни содалаштириш бўйича чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсан;

г) мазкур қарорнинг 18-бандида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсан;

д) амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳамда фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйлarda қуёш панелларини ўрнатиш ишларини жадаллаштириш юзасидан ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисбот киритиб борсин.

20. Республика ҳудудларида кичик ва микро гидроэлектрстанциялар барпо этиш бўйича 103 та лойиҳанинг манзилли рўйхати 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ишга туширишни таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик «Ўзбекгидроенерго» АЖ бошқарув раиси А.А. Сангинов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклатилсан.

21. 2023 йилда 5 407 та ижтимоий соҳа обьектларининг локал иситиш тизимларини кўмир ёқилғисига ўтказиш режаси 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Мазкур режа ижросини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Бошвазир ўринбосари А.Ж. Раматов, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилсан.

Вазирлар Маҳкамаси (А. Раматов) уч кун муддатда мазкур қарорга 7-иловадаги режа кўрсаткичлари бажарилишининг ойма-ой графигини тасдиқласин ва ижроси юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) икки ҳафта муддатда ижтимоий соҳа обьектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий ше-

* 6-7-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

риклик асосида модернизация қилиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсинг.

22. 2023 йилда 1147 та иссиқхоналар ва 250 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўмир ёқилғисига ўтказиш режа кўрсатичлари ва манзилли рўйхатлари мос равишда 8-, 8а-, 8б-, 8в-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилансинки, республика худудларида:

иссиқхоналарни кўмир ёқилғисига ўтказиш бўйича шахсий жавобгарлик қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилади;

мазкур қарорга 8а-, 8б- ва 8в-иловаларга мувофиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўмир ёқилғисига ўтказиш бўйича шахсий жавобгарлик қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.С. Хидоятов, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бошқарув раиси С.С. Аннакличев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

23. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев):

тижорат банклари билан биргаликда кўмир ёқилғисига ўтказиладиган корхоналарга ускуналарни харид қилиш учун кредит маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин;

кўмир ёқилғисига ўтказилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишда кафолатланган рағбатлантириш чоралари ни кўриб борсин;

кўмир ёқилғисига ўтказилган корхоналарда импорт кўмир маҳсулотлари ҳамда тегишли ускуналарни олиб келишда юзага келадиган муаммоли масалаларни зудлик билан ҳал қилиб борсин;

маҳаллий иссиқхона хўжаликларида етиширилган маҳсулотларнинг асосий экспорт бозорларида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уларни кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширсин.

24. Энергетика вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Ўзбеккўмир» АЖга қарашли «Кўмир таъминот» МЧЖни, тасарруфидаги кўмир омборлари ва ёрдамчи техникалар билан бирга «Ўзбеккўмир» АЖ тасарруфидан чиқариб, Энергетика вазирлиги бўйсунувига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Энергетика вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорга 8-, 8а-, 8б- ва 8в-иловаларда белгиланганд тадбиркорлик субъектлари учун зарур миқдорда импорт кўмир етказиб берилишини таъминласин.

Транспорт вазирлиги (И. Маҳкамов) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб импорт

* 8 — 8в-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон килинган.

кўмирни республика худудида темир йўл транспортида ташишда ташиш ма-софасидан қатъи назар, ўрнатилган тарифларга 50 фоиз чегирма қўлланилишини таъминласин.

25. Белгилансинки, 2023 йил 1 майдан бошлаб:

янги ташкил этиладиган иссиқхона хўжаликлари ҳамда цемент, фишт ва оҳак маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга табиий газ тармоқларига ула-ниш учун техник шартлар берилиши тақиқланади;

республикадаги барча ёқилғи (автобензин, суюлтирилган ва сиқилган газ) қуийш шохобчаларининг майший-техник эҳтиёжлари ва худудини ёри-тиш учун электр энергияси таъминотининг камидаги 50 фоизи ушбу обьектлар-да ўрнатиладиган куёш панеллари орқали қопланиши талаб этилади.

26. Қуйидагилар:

2023 йилда республика худудларида электр тармоқларидаги йўқотишларни камайтириш бўйича режа кўрсаткичлари 9-иловага* мувофиқ тасдиқлан-син ҳамда ушбу кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев, энергетика вазири Ж.Т. Мир-замоҳмудов ҳамда «Худудий электр тармоқлари» АЖ бошқарув раиси У.М. Мустафоев зиммасига юклатилсан;

2023 йилда республикадаги йирик саноат корхоналарида ёқилғи-энер-гия ресурсларини тежашнинг режа кўрсаткичлари ва амалий чора-тадбирлар режаси 10- ва 10а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансан ҳамда ушбу кўрсат-кичлар бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев, энергетика вазирининг биринчи ўринбоса-ри А.И. Ахмедхаджаев, тоф-кон саноати ва геология вазири Б.Ф. Исламов, инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н.Қ. Холму-родов ҳамда 10-иловага мувофиқ раҳбарлар зиммасига юклатилсан.

27. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) икки ҳафта муддатда 11-иловага* мувофиқ 2023 йилда давлат-хусусий шериклик асосида кўмир когенерацон технологияларини жорий этиш орқали марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш бўйича 15 та лойиҳанинг манзилли рўйхати, уларни молия-лаштириш манбалари ва амалга ошириш муддатларининг ойма-ой графикла-рини тасдиқласин.

28. Энергетика вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргалик-да бир ой муддатда ушбу қарор талабларидан келиб чиқсан ҳолда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ҳамда зарур низом, тартиб ва қоидалар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

29. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов):

мазкур қарорга иловаларда белгиланган режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида бир ҳафта муддатда барча иловалар бўйича тармоқ жадваллари ва манзилли чора-тадбирлар дастурини тасдиқла-син;

белгиланган режа кўрсаткичлари ижроси юзасидан доимий назорат ўр-натиб, ҳар ой ижроси юзасидан барча худуд, вазирлик ва идора раҳбарла-

* 9 — 11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рининг ҳисоботларини Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисларида танқидий кўриб борсин;

ушбу қарор ижроси доирасида заруриятдан келиб чиқиб, лойиҳалар параметрлари, чора-тадбирлар ва режа кўрсаткичларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда аниқлаштириш ва ўзгартишлар киритиб борсин.

30. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 16 февраль,
ПҚ-57-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

52

Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда ахолига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, жамоат транспорти йўналишлари тармоғини кенгайтириш ва ҳаракат таркибини замонавий, экологик тоза автобуслар билан янгилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Хорижий эксперталар иштироқида янгилашувлар асосида Тошкент шаҳар жамоат транспортининг янги йўналишлари тармоғи ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, қатнов мунтазамлигига, ҳаракат хавфсизлиги ва сифат талабларига риоя этилмаслиги, йўлкира ҳақининг табақалашган тарифлари мавжуд эмаслиги, жамоат транспорти ҳаракати устуворлиги таъминланмаслиги жамоат транспорти жозибадорлигини пасайтироқда.

Жамоат транспортини молиялаштиришнинг амалдаги тизими ҳаракат таркибини тизимли равишда янгилаш бориш ва соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш имконини бермаяпти.

Ахолининг юқори сифатли ва қулай йўловчи ташиш хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлик қондириш, соҳада бозор тамойилларини жорий этиш, хусусан молиялаштириш тизими ва тариф сиёсатини такомиллаштириш орқали хусусий сектор учун жозибали бизнес мухитини яратиш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ:

1. Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг мунтазам шаҳар автобус йўналишларида чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизимини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Мунтазам шаҳар автобус йўналишларида чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизими доирасида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

автобусда йўловчи ташиш хизматларини кўрсатувчи ташувчилар (кеянги ўринларда — ташувчилар) билан хисоб-китоблар «босиб ўтилган йўл» ва «сифат» мезонлари асосида ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади;

йўлкира ҳақи тушумлари ваколатли давлат органи тасарруфига ўтказилган ҳолда ташувчилар учун йўлкира ҳақини кунлик йиғиш режа-топшириғини белгилаш амалиёти бекор қилинади;

ҳар бир автобус йўналиши бўйича ташувчилар электрон тендер натижалари бўйича аниқланади;

тендер савдоларига чиқариладиган йўналиш қийматининг бошланғич нархи ҳар бир автобус йўналиши бўйича йўловчи ташиш билан боғлиқ ха-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2023 йил 17 февралда эълон қилинган.

ражатлар ҳамда рентабелликнинг 10 фоиз миқдори инобатга олинган ҳолда, ҳар бир километр босиб ўтиладиган масофа учун шакллантирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари қошида ташувчилар томонидан йўналиш кўрсаткичлари бажарилишини мониторинг қилиш, бажарилган иш ҳажми ва сифатини аниқлаш ҳамда баҳолаш, ўйлкира ҳақи тўланишини ва кўрсатилган хизматлар сифатини назорат қилиш учун автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви ва назорат тизими ташкил этилади;

ташувчилар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви ва назорат тизимини сақлаш, ўйлкира ҳақи бўйича тушумларни жамлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларининг маҳсус жамғармалари ташкил этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларининг маҳсус жамғармалари харажатлари билан уларнинг даромадлари ўртасидаги тафовут Давлат бюджети маблаблари ҳисобидан қопланади;

ташувчиларга чекланган тарифларда хизмат кўрсатишдан кўрилган зарарларни ҳамда автобусларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджетидан қоплаб бериш тартиби қўлланилмайди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йил учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ташувчиларга шаҳар автобус йўналишларида чекланган тарифларда хизмат кўрсатишдан кўрилган зарарлар ҳамда автобусларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилмаслигини инобатга олсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

а) шаҳарларда автобус йўналишларининг янги тармоғи жорий этилишини, автоматлаштирилган тўлов тизими ва автоматлаштирилган диспетчерлик хизматининг босқичма-босқич ўйлга қўйилишини:

2023 йил 1 марта — Тошкент шаҳрида;

2023 йил 1 августгача — Андижон, Самарқанд, Наманган, Қарши ва Урганч шаҳарларида;

2024 йил 1 июнгача — Нукус шаҳри ва бошқа вилоятлар марказларида таъминласин;

б) муентазам шаҳар автобус йўналишида чекланган тарифлар бўйича ўйловчилар ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизимининг босқичма-босқич ишга туширилишини:

2023 йил 15 апрелдан бошлаб — Тошкент шаҳрида;

2024 йил 1 январдан бошлаб — Андижон, Самарқанд, Наманган, Қарши ва Урганч шаҳарларида;

2024 йил 1 июндан бошлаб — Нукус шаҳри ва бошқа вилоятлар марказларида таъминласин;

в) муентазам шаҳар автобус йўналишида чекланган тарифлар бўйича

йўловчилар ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизимини жорий этиш доирасида мазкур банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган муддатлардан камида икки ой олдин:

тендер савдоларига чиқариладиган ҳар бир йўналишнинг бошланғич қийматини аниқласин ҳамда электрон тендерларни ўз муддатида ўтказилишини;

Давлат бюджети ҳисобидан ажратилиши лозим бўлган маблағларни ҳисоб-китоблар асосида шакллантирилишини таъминласин.

Белгилансинки, мунтазам шаҳар автобус йўналишида чекланган тарифлар бўйича автобусда йўловчилар ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизими учун зарур маблағлар 2023 йилда республика бюджетининг қўшимча маблағлари ҳисобидан ажратилади, 2024 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар параметрларида назарда тутилади.

4. Қўйидагилар:

2023 йил 15 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрида;

2024 йил 1 январдан бошлаб Андижон, Самарқанд, Наманган, Қарши ва Урганч шаҳарларида;

2024 йил 1 июндан бошлаб Нукус шаҳри ва бошқа вилоятлар марказларида автобус йўналишларини ташувчиларга мазкур қарорда назарда тутилганидан бошқача тартибда бириктириш тақиқлансан.

5. Жамоат транспортидан фойдаланишда йўловчилар учун қулай тарифларни жорий этиш ҳамда электрон тўловларни оммалаштириш мақсадида шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофик:

бир соат ичida бир йўналишили йўловчи транспортидан бошқасига ўтиш сонидан келиб чиқкан ҳолда имтиёзли ва бепул тарифлар қўлланилади;

йўналишли йўловчи транспортидан фойдаланишда, унинг туридан қатъи назар, кунлик, бир, уч ва олти ойлик, йиллик чекланган ва чекланмаган тариф режалари жорий этилади;

йўналишларда йўлкира хақини тўлашда электрон тўлов тизимидан фойдаланишни рағбатлантирувчи тарифлар белгиланади.

Тошкент шаҳар хокимлиги мазкур банддан келиб чиқкан ҳолда янги тарифларни ишлаб чиқиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгашида ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказсин ҳамда 2023 йил 1 апрелдан бошлаб амалиётга жорий этсин.

6. Қўйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари махсус жамғармалари маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

йўналишлардаги автобусларда ўрнатилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган йўл харакати қоидалари бузилганлиги учун ундирилган жарима суммаларининг 50 фоизи;

йўналишлардаги автобусларда реклама жойлаштиришдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи, шунингдек, йўл-транспорт инфратузилмаси обьектларига реклама жойлаштиришдан тушадиган тушумларнинг бир қисми;

мунтазам йўналишларда чиптасиз юрган йўловчиларга ҳамда уларни чип-

тасиз ташиган ташувчиларга нисбатан қонунчилик хужжатлариға мувофиқ қўлланилган жарима тўловларининг 100 фоизи;

шахар кўчаларида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган автомобилларнинг автоматлаштирилган йўл бўйи пуллик тўхташ жойларидан фойдаланганлик учун тушумнинг давлат шеригига ўtkазиладиган қисми.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи мунтазам шахар автобус йўналишида чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизими тўғрисидаги қарорни қабул қилсин:

ваколатли органлар ва ташувчилар ўртасидаги ҳисоб-китобларни «босиб ўтилган йўл» ва «сифат» мезонлари асосида амалга ошириш тартибини;

автобус йўналишларини очиш, ёпиш ва ўзгартириш тартиботларини та-комиллаштириш ҳамда ушбу жараёнда жамоатчилик иштирокини янада кен-гайтиришни;

Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар транспорт бошқармаларининг махсус жамғармаларини шакллантириш манбалари ва маблағлардан фойдаланиш тартибини.

8. Қўйидагилар:

Мунтазам шахар автобус йўналишларида чекланган тарифларда йўловчилар ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизимини жорий этиш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

Тошкент шахри, Нукус шахри ҳамда вилоятлар марказларида жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш бўйича «йўл хариталари» 2 — 15-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Транспорт вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, «Ўзавтосаноат» АЖ, «Ўзмиллийбанк» АЖ ҳамда «Тошшахартрансхизмат» АЖ томонидан Хитой Халқ Республикасининг йирик автобус ишлаб чиқарувчилари билан ўtkазилган музокаралар натижасида:

Тошкент шахри жамоат транспорти учун 200 та 18 метрли ва 500 та 12 метрли табиий газда ишлайдиган автобуслар ҳамда 300 та 12 метрли электробуслар;

Нукус шахри ва вилоят марказлари жамоат транспорти учун жами 1000 та табиий газда ишлайдиган автобусларни харид қилиш бўйича келишувларга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Транспорт вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда «Ўзмиллийбанк» АЖнинг мазкур бандда кўзда тутилган автобус ва электробусларни Хитой Халқ Республикаси автобус ишлаб чиқарувчиларидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Тошкент шахри учун харид қилинаётган автобуслар бўйича тузила-диган импорт шартномаларини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

15 фоизи «Ўзмиллийбанк» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича банкнинг кутилаётган соғ

* 1 — 15-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фойдасини тўлиқ банк капиталига йўналтириш орқали ажратиладиган кредитлар;

85 фоизи халқаро молия институтлари ва хорижий банклардан давлат кафолати остида ажратиладиган кредитлар.

Бунда, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖга банк кредитлари хитой юанида 1 йиллик имтиёзли давр билан 10 йилгача муддатга йиллик 6,07 фоиз ставкада ажратилади.

11. «Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан Тошкент шаҳри учун харид қилинаётган автобуслар бўйича техник-иктисодий асоси тасдиқлангунга қадар кредитлар ажратилишига руҳсат берилсин. Бунда:

истисно тариқасида, «Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гурухи, шу жумладан банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини ҳисоблашда иқтисодий нормативлар татбиқ этилмайди;

жалб қилинадиган кредитлар бўйича асосий қарз, унга ҳисобланган фоизлар, воситачилик тўловлари, кредитга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа барча харажатлар 2024 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, 2024 йилдан бошлаб ташувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

12. Нукус шаҳри ва вилоят марказлари учун автобуслар харидини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

15 фоизи ўловчи ташувчи корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан олдиндан бўнак тўловлари;

85 фоизи халқаро молия институтлари ва хорижий банклардан давлат кафолати остида ажратиладиган кредитлар.

Бунда, ташувчиларга банк кредитлари хитой юанида 1 йиллик имтиёзли давр билан 10 йилгача муддатга йиллик 6,07 фоиз ставкада ажратилади.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

«Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан автобуслар хариди учун жалб қилинадиган кредит линиялари бўйича халқаро молия институтлари ва хорижий банклар фойдасига давлат кафолатини расмийлаштирунсан;

тузиладиган кредит шартномалари юзасидан таъминот сифатида «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ мажбуриятлари бўйича «Ўзмиллийбанк» АЖ фойдасига тасдиқ хати тақдим этсан.

14. Транспорт вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖнинг автобус саройларини уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, молиявий соғломлаштириш ва хизмат кўрсатувчи автобус йўналишларини брутто-шартномаларига ўтказишини таъминлаш учун «Ўзмиллийбанк» АЖ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва «Асакабанк» АЖга бириктириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

15. Транспорт вазирлиги:

бир ой муддатда мазкур қарор билан жорий этилаётган тизим бўйича ўқитишишларини ташкил этиш мақсадида Тошкент давлат транспорт университетида илғор мутахассисларни жалб қилган ҳолда, ваколатли органлар,

ташувчилар, йўловчи ташишни ташкил этишда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар ходимлари учун мунтазам ўқув курсларини ташкил этсин;

икки хафта муддатда мазкур қарор билан жорий этилаётган тизимни самарали ташкил этиш мақсадида хорижий эксперктларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилинин. Бунда, эксперктларни жалб қилиш ва уларнинг хизматига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади;

Тошкент шаҳар ҳокимилиги билан биргаликда 2023 йил 1 майга қадар вилоятлардан келадиган транспортларни инобатга олган ҳолда барча транспорт турлари бўйича йўловчи оқимини ўрганиш, транспортга бўлган талабни аниқлаш ҳамда ижтимоий сўровномаларни ўtkазиш орқали Тошкент шаҳри учун ишлаб чиқилган янги йўналишлар тармоғини такомиллаштирунин.

Тошкент шаҳар ҳокими в.б. Б. Рахмонов мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган тадбирни амалга ошириш учун маблағларнинг 2023 йил 1 марта қадар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил IV чорагидаги қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

16. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия:

икки ой муддатда жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган тасмалар ва автобусларга маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий техник воситаларини ўрнатиш, фуқаролар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари тўғрисидаги видеөзувларни мобиль илова орқали юбориш имкониятини яратиш, уларни хуқуқбузардан ундирилган жарима ҳисобидан пул мукофоти билан рафбатлантириш миқдорини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

доимий равишда жамоат транспорти ҳаракатланадиган йўналишларда ҳаракат хавфсизлигини, жамоат транспорти устуворлигини, жамоат транспорти учун ажратилган тасмалар ва бекатларнинг бошқа транспорт воситаларидан холи бўлишини таъминласин.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маҳсус ташкил қилинадиган давлат муассасасига ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратган ҳолда Давлат бюджети ҳисобидан ёки давлат-хусусий шериклик асосида Тошкент шаҳрида кўп қаватли автотурагоҳларни қуриш ва уларни тайёр бизнес сифатида тадбиркорлик субъектларига автотурагоҳ профилини ўзгартирмаслик шарти билан сотиш амалиётини жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансан.

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда кўп қаватли автотурагоҳларни қуриш бўйича мазкур бандда назарда тутилган тартибни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Транспорт вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2023 йил якунига қадар Нукус шаҳри ва вилоят марказларида жамоат транспорти тизими ва инфратузилмасини та-

комиллаштиришга доир чора-тадбирлар режалари ва уларни амалга ошириш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

19. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти орғанлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари ва эксперталарни жалб қилган ҳолда:

а) аҳоли орасида:

янги ташкил этиладиган жамоат транспорти йўналишларининг афзаллиги, қулайлиги, тезкорлиги ҳамда мунтазамлиги;

жамоат транспортида электрон тўлов тизимларидан фойдаланишнинг ҳамда табақалаштирилган тарифларнинг афзалликлари ва қулайликлари;

жамоат транспортида йўлкира тўловлари амалга оширилишини назорат қилувчи назоратчилар гурӯҳи фаолияти ташкил қилинаётганлиги кенг ёритилишини таъминласин;

б) тадбиркорлик субъектлари орасида «босиб ўтилган йўл» ва «сифат» мезонлари бўйича бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда жамоат транспорти фаолиятини молиялаштиришнинг янги тизими жозибадорлиги ва кафолатланган бизнесга айланаётганлиги юзасидан брифинглар ўтказсин.

20. Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) йил якунига қадар мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ фаолиятини такомиллаштириш, молиявий соғломлаштириш, бизнес жараёнларини такомиллаштириш, жамият фаолиятини рақамлаштириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича;

б) икки ой муддатда:

жамоат транспорти инфратузилмаси обьектларини, хусусан автовокзаллар ва автостанцияларни қуриш ҳамда уларни эксплуатация қилишга хусусий секторни жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари юзасидан;

хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда автобус йўналишларини ташувчиларга бириктириш бўйича электрон тендер жараёнларини такомиллаштириш бўйича;

в) бир ҳафта муддатда шаҳар жамоат транспортига мўлжалланган автобусларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солигидан озод этиладиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига киритиш бўйича;

г) уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

21. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р. Махкамов ҳамда иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 16 февраль,
ПҚ-59-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

53 Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизматлари ходимлари малакасини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сон қарори билан тасдиқланган 2022 йилда Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий назорати фаолиятини такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси»нинг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва ички аудит хизматлари ходимлари малакасини сертификатлаш тартибини ишлаб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизматлари ходимлари малакасини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

малака сертификатини олиш учун талабгорларга қўйиладиган малака талаблари;

малака имтиҳонини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда натижаси юзасидан апелляция бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби;

малака сертификатини бериш ва қайта расмийлаштириш, шунингдек, малака сертификатлари реестрини юритиш;

малака ошириш курсини ташкил этиш.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 февралда эълон қилинган.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 13 февраль,
62-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 13 февралдаги 62-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда
вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизматлари
ходимлари малакасини сертификатлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизмати (кейинги ўринларда — ички аудит хизмати) ходимлари малакасини сертификатлаш ва ички аудит миллий малака сертификатига (кейинги ўринларда — сертификат) эга бўлган шахслар малакасини ошириш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом қоидалари Инспекциянинг молиявий назорат функцияси юклатилмаган лавозимдаги ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

вазирликлар ва идоралар — ички аудит хизмати ташкил этилган бюджет маблағларини тақсимловчилар ва улар тизимидағи бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари;

ички аудит хизмати — вазирликлар ва идораларда ички аудит фаoliyatiini амалга оширувчи ҳамда бошқа таркибий тузилмалардан мустақил таркибий бўлинма;

малака имтиҳони — талабгорнинг билим даражаси сертификатни олиш талабларига мос келишини текширишга йўналтирилган, тест синови шаклида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган имтиҳон;

малака ошириш курси — сертификат эгаси сертификат олган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар икки йилда ўташи мажбурий бўлган малака ошириш курси;

сертификат — Инспекция ва ички аудит хизмати ходими малакасини тасдиқлайдиган ҳамда унга Инспекциянинг молиявий назорат функцияси

юклатилган лавозимларда ва ички аудит хизматида фаолият юритиш имконини берувчи хужжат;

талабгор — сертификатни олиш ва унинг амал қилиш муддатини узайтиришга номзод бўлган жисмоний шахс;

халқаро сертификат — Халқаро ички аудиторлар институти томонидан бериладиган «Дипломли ички аудитор» (CIA) сертификати, «Хавф-хатарни бошқаришни баҳолаш бўйича дипломли мутахассис» (CRMA) сертификати, «Ички аудит бошқаруви малакаси» (QIAL) сертификати, «Ички аудит амалиётчиси» (Internal Audit Practitioner) сертификати, «Давлат аудити бўйича сертификатланган мутахассис» (CGAP) сертификати.

3. Сертификат Ўзбекистон аудиторлар палатаси (кейинги ўринларда — Аудиторлар палатаси) томонидан малака имтихонини муваффақиятли топширган талабгорга берилади.

4. Сертификат шахснинг ички аудит бўйича малакаси мавжудлигини тасдиқлайди ҳамда унга Инспекциянинг молиявий назорат функцияси юклатилган лавозимларда ва ички аудит хизматида фаолият юритиш имконини беради.

5. Сертификат дастлаб тўрт йил муддатга берилади, кейинчалик унинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилади.

6. Сертификат олиш, унинг амал қилишини узайтириш, қайта расмийлаштириш юзасидан берилган аризани кўриб чиқиши учун талабгор томонидан мазкур Низомда белгиланган миқдорда йифим тўланади.

7. Йифим талабгор томонидан Аудиторлар палатаси ҳисобвараfiga ўтказилади ва малака имтихонини ташкил қилиш, сертификатни расмийлаштириш билан боғлик харажатларни қоплаш учун сарфланади.

8. Йифим тўлаш учун банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар Аудиторлар палатасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

9. Сертификатни бериш мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Сертификатлашни ташкил этиш

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (кейинги ўринларда — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги) сертификатлашни ташкил этишда:

имтихон комиссияси ҳамда апелляция комиссиясини шакллантиради;

малака имтиҳони учун тузиладиган тест саволлари йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси (кейинги ўринларда — Ҳисоб палатаси) билан келишган ҳолда белгилайди;

Ички аудит миллий малака сертификатлари реестрини (кейинги ўринларда — сертификатлар реестри) юритади;

имтихон комиссияси ва апелляция комиссияси фаолиятида юзага келадиган ўзаро номувофиқ ҳолатларни кўриб чиқади.

11. Аудиторлар палатаси:

малака имтиҳони ва уни ўтказишни ташкил этади, шунингдек, ўзининг

расмий веб-сайтига малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисидаги ахборотни жойлаштиради;

талабгор томонидан малака имтиҳонини топшириш, сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш учун берилган аризани кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди;

талабгорга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

тест саволлари йўналишлари бўйича мавзуларни, адабиётлар, шунингдек, норматив-хукуқий хужжатлар рўйхатини, намунавий тест саволларини (жавоб варианtlарисиз) йилига камида бир марта ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради;

малака имтиҳони учун тест саволларини тузади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорга белгиланган тартибда сертификатни расмийлаштиради ва беради;

сертификатнинг амал қилишини белгиланган тартибда тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Молия органлари ҳамда бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази (кейинги ўринларда — Ўқув маркази):

малака ошириш курсларининг ўқув дастурини (кейинги ўринларда — ўқув дастури) ишлаб чиқади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

тасдиқланган ўқув дастури асосида малака ошириш курсларини ташкил этади;

малака ошириш курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга малака оширганлик тўғрисида гувоҳнома беради.

13. Имтиҳон комиссияси:

малака имтиҳони ўтказилишини назорат қиласди;

имтиҳон натижаларини баённома орқали расмийлаштиради;

ўз ваколатидаги масалалар бўйича тушган таклиф, тавсия ва мурожаатларни кўриб чиқади.

14. Апелляция комиссияси тушган апелляция мурожаати бўйича:

имтиҳон комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

имтиҳон комиссиясининг тегишли қарорига ўзгартириш киритиш ва талабгорга сертификат бериш юзасидан қарор қабул қиласди.

3-боб. Имтиҳон комиссияси

15. Имтиҳон комиссияси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тузилади.

16. Имтиҳон комиссияси беш нафар аъзодан, шу жумладан, имтиҳон комиссияси раиси, унинг ўринбосари ва имтиҳон комиссияси котибидан иборат таркибда тузилади.

Имтиҳон комиссияси ҳужжатларини юритиш ва баённомаларни расмийлаштириш имтиҳон комиссияси котиби томонидан амалга оширилади.

17. Имтиҳон комиссияси таркибига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Коррупцияга қарши қурашиб агентлиги ва Ҳисоб палатасидан бир нафардан ҳамда Аудиторлар палатасидан икки нафар вакил киритилади.

18. Аудиторлар палатасининг вакиллари имтиҳон комиссияси раиси ҳамда имтиҳон комиссияси котиби, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг вакили имтиҳон комиссияси раиси ўринбосари ҳисобланади.

19. Имтиҳон комиссияси таркиби ҳар икки йилда белгиланган тартибда янгиланади.

20. Имтиҳон комиссияси йиғилишида унинг аъзоларининг камидаги уч нафари, шу жумладан, имтиҳон комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари иштирок этган тақдирда, имтиҳон комиссияси йиғилиши ваколатли ҳисобланади.

21. Имтиҳон комиссияси малака имтиҳони натижаларини Аудиторлар палатаси маълумотлари асосида баённома тузиш орқали расмийлаштиради.

Имтиҳон комиссияси йиғилиши видеөёзувга туширилади ва ушбу видеөёзувлар имтиҳон комиссияси баённомасига илова қилинади.

22. Баённома имтиҳон комиссияси раиси томонидан (раис қатнашмаган тақдирда, раис ўринбосари томонидан) тасдиқланади ва иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади.

4-боб. Талабгорга қўйиладиган малака талаблари

23. Талабгорга қўйидаги малака талаблари қўйилади:

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларининг ёки қо-нунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган чет давлатлар олий таълим ташкилотларининг олий маълумотга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиш;

иқтисодиёт, молия, солиқ, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи, аудит соҳасида, шу жумладан, ушбу ўнналишларда таълим берувчи олий таълим ташкилотларида педагог сифатида камидаги икки йиллик иш стажига эга бўлиш.

24. Талабгор халқаро сертификатга (белгиланган даврийликда халқаро сертификат доирасида малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда) эга бўлган тақдирда, сертификатни бериш малака имтиҳонини топширмасдан амалга оширилади.

5-боб. Сертификат олиш учун ариза топшириш

25. Талабгор Аудиторлар палатасининг расмий веб-сайтида рўйхатдан ўтади ҳамда ўз шахсий кабинети орқали мазкур Низомга 2-иловада келтирилган шаклдаги аризани қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда электрон шаклда тақдим этади:

паспорт (ID-карта) нусхаси;

олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёхуд чет давлатларда олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги ваколатли давлат органи томонидан берилган гувоҳноманинг нусхаси;

мехнат дафтарчаси нусхаси (ўриндошлиқ асосида иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бу хақида меҳнат дафтарчасига ёзув киритилган бўлиши лозим) ёки меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма;

белгиланган даврийлик билан малака оширганлигини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинган ҳолда халқаро сертификат нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда);

аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида йифим тўланганлиги тўғрисидаги маълумотноманинг нусхаси.

26. Ариза топшириш ҳар ойнинг 1-кунидан 10-кунига қадар (шу куни ҳам) амалга оширилади.

27. Талабгордан мазкур Низомнинг 25-бандида назарда тутилмаган хужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

6-боб. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби

28. Аудиторлар палатаси томонидан аризалар ҳар ойнинг 11-кунидан 15-кунига қадар (шу куни ҳам) кўриб чиқилади ва малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

29. Аризаларни кўриб чиқиш натижалари кўриб чиқиш якунлангандан сўнг уч иш куни ичida талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш сабаблари кўрсатилади.

30. Қуйидаги ҳолларда талабгорга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилади:

малака талабларига жавоб бермаганда;

сертификат олиш учун тақдим этиладиган хужжатлар белгиланган тартибда, шунингдек, тўлиқ ҳолда тақдим этилмаганда;

сертификатнинг амал қилиши тутатилган пайтдан бошлаб уч йил муддат мобайнода сертификат берилиши чекланган бўлиб, ушбу давр мобайнода сертификат олиш учун талабгор томонидан мурожаат қилинганда.

31. Талабгорнинг ҳужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ёки тўлиқ ҳолда тақдим этилмаганлиги сабабли малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилганда, талабгор томонидан навбатдаги аризаларни топшириш муддати якунига қадар камчиликларни бартараф этиш учун муддат берилади.

Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилган ҳолда қайта тақдим этилган аризани кўриб чиқиш учун йифим ундирилмайди.

32. Рад этиш учун асос бўлган камчиликлар берилган муддатда бартараф этилмаган тақдирда, тўланган йифим қайтарилмайди.

Малака имтиҳонини топшириш учун аризани қайтадан тақдим этиш мазкур Низом асосида амалга оширилади.

33. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорларнинг

тасдиқланган рўйхати Аудиторлар палатаси томонидан имтиҳон комиссияси га тақдим этилади, шунингдек, ушбу рўйхат Аудиторлар палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Мазкур рўйхат талабгорларнинг аризаларини рўйхатга олиш кетма-кетлигида шакллантирилади.

7-боб. Малака имтиҳонини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби

34. Малака имтиҳони ҳар ойда камида бир марта ойнинг учинчи ўн кунлигига ўтказилади.

35. Имтиҳон комиссиясининг ишчи органи Аудиторлар палатаси ҳисобланади.

36. Аудиторлар палатаси малака имтиҳони ўтказиладиган санадан камида беш кун олдин имтиҳон ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисидаги хабарномани ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради ҳамда ҳар бир талабгорни шахсий кабинети орқали хабардор қиласи.

37. Талабгор малака имтиҳонига паспорт (ID-карта) асосида киритилади.

Паспорти (ID-картаси) бўлмаган ёки малака имтиҳонига белгиланган вақтда келмаган, шунингдек, қатнаша олмаган талабгор малака имтиҳонига келмаган деб ҳисобланади.

Малака имтиҳонига келмаган деб ҳисобланган талабгорга навбатдаги малака имтиҳонини топширишга имконият берилади.

38. Малака имтиҳони тест синови шаклида ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Талабгорга малака имтиҳонини топшириш учун уч соат вақт берилади ҳамда малака имтиҳонининг ўтказилиши давомида танаффус берилмайди.

39. Малака имтиҳонининг очиқлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳони жараёни Аудиторлар палатасининг расмий веб-сайтида узлуксиз равишда онлайн трансляция қилинади, шунингдек, видеоёзувга туширилади. Ушбу видеоматериаллар Аудиторлар палатаси томонидан камида уч йил муддат мобайнида сақланади.

40. Малака имтиҳони ўтказилаётган пайтда қонунчилик ҳужжатлари, ўюриқнома материаллар, ахборотномалар ва маҳсус адабиётлардан, уяли телефондан ёки бошқа ахборот технология воситаларидан (шу жумладан, калькулятор сифатида) фойдаланиш, бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш тақиқланади.

Ушбу талабларни бузган талабгор малака имтиҳонидан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган деб ҳисобланади. Бунда малака имтиҳонини топшириш учун тўланган ўйфим қайтарилмайди.

41. Аудиторлар палатаси малака имтиҳонини ўтказиш мақсадида:

талабгорни рўйхатдан ўтказади;

малака имтиҳонини ўтказиш учун жихозланган хонани зарур техника воситалари билан таъминлайди;

малака имтиҳонини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва материаллар сақланишини таъминлайди;

малака имтиҳонини ўтказиш учун зарур бўлган бошқа харакатларни амалга оширади.

42. Тест синови 100 та саволдан иборат бўлади.

Тест саволининг ҳар бир тўғри жавоби учун 1 балдан берилади. Нотўғри жавоб берилган ёки жавоб берилмаган тест саволи учун балл берилмайди.

43. Тест саволлари фақат бир тўғри жавобни ўз ичига олган 4 та жавоб варианти келтирилган шаклда тузилади.

44. Тест саволлари базаси келгуси йил учун йил яқунига қадар камидаги 30 фоизга янгиланиши лозим.

45. Талабгорнинг тўғри жавоблари малака имтиҳонидаги тест саволлари умумий сонининг камидаги 75 фоизини ташкил этган тақдирда, малака имтиҳони муваффақиятли топширилган ҳисобланади.

46. Аудиторлар палатаси томонидан малака имтиҳони натижалари имтиҳон ўтказилган куннинг ўзида имтиҳон комиссиясига тасдиқлаш учун киритилади ва имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади ҳамда Аудиторлар палатасига қайтарилади.

47. Имтиҳон комиссияси баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

имтиҳон комиссияси ўфициалниша иштирок этган аъзолар рўйхати;
малака имтиҳонида иштирок этган талабгорларнинг тўплаган баллари кўрсатилган рўйхат;

малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорлар рўйхати;

малака имтиҳонидан ўтмаган талабгорлар рўйхати;

белгиланган малака имтиҳонида қатнаша олмаганлиги сабабли навбатдаги малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорлар рўйхати.

48. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорлар рўйхатида мавжуд бўлмаган шахсларнинг малака имтиҳонида қатнашишига рухсат берилмайди.

49. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгорга ўифим қайтарилмайди.

50. Малака имтиҳони натижалари Аудиторлар палатасининг расмий веб-сайтида малака имтиҳони ўтказилган кундан кейин уч иш куни ичида эълон қилинади.

51. Агар талабгор малака имтиҳонини топшириш учун ариза топширгандан кейин белгиланган малака имтиҳонига икки марта келмаса, малака имтиҳонини топшириш учун учинчи марта имконият берилмайди.

Бунда тўланган ўифим қайтарилмайди ва малака имтиҳонида қатнашиш учун қайтадан ариза топшириш мазкур Низом асосида амалга оширилади.

52. Малака имтиҳонида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан берилган ариза ва унга илова қилинган хужжатлар ҳамда имтиҳон комиссиясининг ўфициалниши баённомалари камидаги беш йил мобайнида Аудиторлар палатасида сақланади.

8-боб. Малака имтиҳони натижалари юзасидан апелляция бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби

53. Малака имтиҳони натижаларига кўра чиқарилган қарордан норози бўлган талабгор малака имтиҳони натижалари эълон қилинган кундан бош-

лаб беш иш куни ичиди Аудиторлар палатасига апелляция бериш ҳукукига эга.

Бунда малака имтихонини муваффақиятли топширган талабгор томонидан берилган апелляция кўриб чиқилмайди.

54. Апелляцияни кўриб чиқиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан апелляция комиссияси шакллантирилади.

Апелляция комиссияси беш нафар аъзодан, шу жумладан, апелляция комиссияси раиси, унинг ўринbosари ва апелляция комиссияси котибидан иборат таркибда тузилади ва унинг таркибига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ва Ҳисоб палатасидан бир нафардан ҳамда Аудиторлар палатасидан икки нафар вакил киритилади.

55. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг вакили апелляция комиссияси раиси, Аудиторлар палатасининг вакиллари апелляция комиссияси раиси ўринbosари ҳамда котиби ҳисобланади.

56. Апелляция комиссияси йиғилишида унинг аъзоларининг камидаги учнафари, шу жумладан, апелляция комиссияси раиси ёки унинг ўринbosари иштирок этган тақдирда, апелляция комиссияси йиғилиши ваколатли ҳисобланади.

57. Апелляция комиссияси таркибига имтихон комиссияси таркибига киритилган шахслар киритилмайди.

58. Апелляция комиссиясининг ишчи органи Аудиторлар палатаси ҳисобланади.

59. Апелляция комиссияси талабгор томонидан берилган апелляцияни 20 кун муддатда кўриб чиқади, тегишли қарор қабул қиласидан сонон қилинган қарор тўғрисида талабгорни электрон хабар шаклида (шахсий кабинети орқали) хабардор қиласидан сонон қилинади.

Талабгор ўз апелляцияси кўриб чиқиладиган апелляция комиссияси йиғилишида иштирок этиш учун 5 кун олдин таклиф этилади. Апелляция комиссияси йиғилиши талабгор иштирок этмаган тақдирда ўтказилмайди.

60. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

имтихон комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш;

имтихон комиссиясининг тегишли қарорига ўзгартириш киритиш ва талабгорга сертификат бериш.

61. Имтихон натижалари бўйича апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляцияда келтирилган асослар тасдиқланмасада;

апелляция белгиланган муддат мобайнида тақдим этилмаган бўлса.

62. Имтихон комиссиясининг тегишли қарорига ўзгартириш киритиш ва талабгорга сертификат бериш тўғрисидаги қарор апелляцияда келтирилган асослар тасдиқланган ҳолларда қабул қилинади.

63. Апелляция бериш ва апелляцияда иштирок этиш учун талабгордан қўшимча йигим ундирилмайди.

Қайта апелляцияга йўл қўйилмайди.

9-боб. Сертификатни расмийлаштириш ва бериш тартиби

64. Сертификат Аудиторлар палатаси томонидан тўрт йил муддатга малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ёки мазкур Низомнинг 24-бандига мувофиқ халқаро сертификатга эга бўлган талабгорга берилади.

65. Халқаро сертификатга эга бўлган талабгорга сертификатни малака имтиҳонини топширмасдан расмийлаштириш ва бериш учун базавий ҳисоблаш микдорининг бир баравари микдорида йифим ундирилади.

66. Сертификат имтиҳон комиссиясининг баённомаси олинган кундан бошлаб уч иш куни ичида расмийлаштирилади ва Аудиторлар палатасининг QR-коди билан тасдиқланади.

67. Аудиторлар палатаси сертификат расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш куни ичида сертификатга оид маълумотларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади ва ушбу маълумотлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан сертификатлар реестрига киритилади.

Бунда сертификатлар реестрига киритилмаган сертификат ҳақиқий хисобланмайди.

68. Сертификат Аудиторлар палатаси томонидан талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади.

69. Сертификат шакли мазкур Низомга З-иловага мувофиқ расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиласи.

10-боб. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва қайта расмийлаштириш тартиби

70. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ушбу Низомнинг 7-бобида белгиланган тартибда малака имтиҳонини топшириш орқали қўйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

сертификат эгаси малака ошириш курсларини тамомлаганлигини тасдиқловчи гувоҳномага эга бўлганда;

сертификат эгасининг Инспекция ёки ички аудит хизмати ходими сифатидаги меҳнат фаолиятидаги танаффус бир йилдан ошмаганда.

Бунда талабгор сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун ариза топширган пайтда Инспекция ёки ички аудит хизматида фаолият юритмайтган бўлса, сертификат муддати узайтирилмайди.

71. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугашидан камида бир ой олдин, бироқ уч ойдан кўп бўлмаган муддатда талабгор Аудиторлар палатасига сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан мазкур Низомга 2-иловада келтирилган шаклдаги аризага қўйидаги маълумотларни илова қилган ҳолда электрон шаклда мурожаат қиласи:

сертификат рақами;

малака ошириш курсларини ўтаганлигини тасдиқловчи гувоҳнома маълумотлари;

меҳнат дафтарчаси нусхаси (ўриндошлиқ асосида Инспекция ва ички аудит хизматида иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақида меҳнат даф-

тарчасига ёзув киритилган бўлиши лозим) ёки меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма;

аризани кўриб чиқиш учун йифим тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнинг нусхаси.

72. Талабгордан сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида йифим ундирилади.

73. Талабгор мазкур Низомда назарда тутилган тартибда хабардор қилинганидан сўнг сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун малака имтиҳонини топширишга келмаса, у имтиҳондан ўтмаган ҳисобланади. Бунда аризани кўриб чиқиш учун тўланган йифим қайтарилемайди.

74. Амал қилиш муддати тугаган сертификатнинг муддати узайтирилишига йўл қўйилмайди.

75. Сертификат эгаси малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда, сертификат муддати амалдаги сертификат рақами билан узайтирилади ҳамда Аудиторлар палатасининг QR-коди билан тасдиқланади.

76. Сертификатнинг амал қилиш муддати сертификатда кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб узайтирилади.

77. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш илгари берилган сертификатга сертификатлар реестрида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

78. Сертификат эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарган тақдирда, у тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи хужжатлар кучга кирган кундан бошлаб бир ой муддатда сертификатни қайта расмийлаштириш юзасидан Аудиторлар палатасига мазкур Низомга 2-иловада келтирилган шаклда ариза бериши шарт.

79. Сертификат эгасидан сертификатни қайта расмийлаштириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йифим ундирилади.

80. Сертификат ариза топширилган кундан бошлаб уч иш куни ичida илгари берилган сертификат рақами билан сертификат эгасига қайта расмийлаштирилади ва Аудиторлар палатасининг QR-коди билан тасдиқланади.

81. Аудиторлар палатаси қайта расмийлаштирилган сертификатнинг тегишли маълумотларини сертификатлар реестрига ўзгартириш киритиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига у қайта расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни ичida юбориши лозим.

11-боб. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш тартиби

82. Сертификатнинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугатилади:

сертификат эгаси томонидан сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза тақдим этилганда;

сертификат эгаси вафот этганда;

сертификат эгаси сертификат олгандан кейин белгиланган тартибда малака ошириш курсини ўтамаганда;

сертификат эгасини белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирганда;

сертификат бериш тўғрисидаги қарор қонунчилик ҳужжатларига хилоф эканлиги ҳолати аниқланганда;

муайян мансабни эгаллаш, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони назарда тутувчи суд ҳукми қонуний кучга кирганда;

сертификат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганилиги исботланганда;

сертификат эгаси Инспекция ёки ички аудит хизматидаги фаолияти мобайнида олинган ҳимояланган маълумотларни қонунчиликка хилоф равишида учинчи шахсларга тақдим этганда;

сертификат эгаси фаолиятида коррупциявий ҳолатларга йўл қўйганлигини тасдиқлашни назарда тутувчи суд ҳукми қонуний кучга кирганда.

83. Сертификатнинг амал қилиши Аудиторлар палатасининг қарори билан тугатилади. Бунда сертификатнинг амал қилиш муддати уни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан тугатилади.

84. Сертификатнинг амал қилиш муддатини тугатиш тўғрисидаги қарор ҳақида сертификат эгаси бир иш куни ичидаги ёзма ёки электрон хабар шаклида хабардор қилинади, мазкур Низомнинг 82-банди учинчи ва бешинчи хатбошилари бундан мустасно.

85. Сертификатнинг амал қилиши мазкур Низомнинг 82-банди еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича тугатилган тақдирда, талабгорга сертификатнинг амал қилиши тугатилган пайтдан бошлаб уч йил муддат мобайнида сертификат берилишига йўл қўйилмайди.

86. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Низомнинг 82-банди еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича сертификатнинг амал қилишини тугатиш юзасидан Аудиторлар палатасига тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга.

87. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарор устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

88. Инспекция ёки ички аудит хизматида фаолият юритадиган ходимлар сертификатининг амал қилиши тугатилган тақдирда, Аудиторлар палатаси бу ҳақида сертификатнинг амал қилишини тугатиш бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида иш берувчиларни хабардор қиласи.

89. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор Аудиторлар палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

12-боб. Сертификатлар реестрини юритиш тартиби

90. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан сертификатлар реестри юритилади ва унда қўйидаги маълумотлар кайд этилади:

сертификат эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми;

сертификат рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати;

сертификат эгасининг паспорти ёки ID-картаси маълумотлари, шунингдек, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

сертификат эгасининг малака ошириш курсини муваффақиятли тамомланлигини тасдиқловчи гувоҳнома маълумотлари;

сертификатнинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, қайта расмийлаштирилганлиги, амал қилиш муддати тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

91. Сертификатлар реестрида мавжуд қўйидаги маълумотлар Аудиторлар палатасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва жамоатчиликнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади:

сертификат рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати;

сертификат эгасининг малака ошириш курсини тамомлаганлигини тасдиқловчи гувоҳнома маълумотлари;

сертификатнинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, қайта расмийлаштирилганлиги, амал қилиш муддати тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

92. Сертификатлар реестри «Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими» дастурӣ-аппарат комплексининг маълумотлар базаси билан интеграция қилинади. Бунда Инспекция ёки ички аудит хизмати ходими лавозимига ариза топширишда сертификат рақами киритилиши мажбурий этиб белгиланади.

13-боб. Малака ошириш курсини ташкил этиш тартиби

93. Сертификат эгаси сертификат олган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар икки йилда тасдиқланган ўқув дастури асосида Ўқув маркази томонидан ташкил этиладиган 36 соат ҳажмдаги малака ошириш курсини ўташи шарт.

Бунда ҳалқаро сертификат эгаси бўлган шахслар ҳам ўқув дастури асосида малака ошириш курсларини ўташи лозим.

94. Малака ошириш курслари график асосида Ўқув маркази томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

95. Инспекция ҳамда вазирликлар ва идоралар малака ошириш курсида қатнашиши режалаштирилган ходимлар рўйхатини ҳар йили 20 январга қадар Ўқув марказига тақдим этади.

Инспекция ҳамда ички аудит хизматида фаолият кўрсатмайдиган сертификат эгаси малака ошириш курсида қатнашиш учун Ўқув марказига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги тўлов ушбу шахснинг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

96. Инспекция ва ички аудит хизмати ходимларининг малака ошириши бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

97. Ўқув маркази малака ошириш курсларини тамомлаган тингловчиларга белгилангандар тартибда гувоҳнома расмийлаштиради.

98. Ўқув маркази малака ошириш курсларини ўтаган шахслар тўғрисидаги чораклик маълумотларни ҳар чорак тугагандан сўнг кейинги ойнинг

10-кунига қадар, йиллик мълумотларни кейинги йилнинг 10 январига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

99. Малака ошириш курсини тамомлаганлигини тасдиқловчи гувоҳнома маълумотлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан сертификатлар реестрига киритилади.

14-боб. Якунловчи қоидалар

100. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

101. Ушбу Низом талаблари бузилишида айборд бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда
вазирликлар ва идораларнинг ички аудит
хизматлари ходимлари малакасини сертификат-
лаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ички аудит миллий малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъект-лар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгор	<p>Малака имтиҳонини топшириш учун аризани Аудиторлар палатасининг расмий веб-сайти орқали топширади.</p> <p>Бунда аризани кўриб чиқиш учун базавий хисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ўйғим тўланади.</p>	<p>Талабгорнинг хошиига кўра, ҳар ойнинг 10-кунига қадар (шу куни ҳам)</p>
2-босқич	Аудиторлар палатаси	<p>1. Талабгорнинг аризасини кўриб чиқади ва малака имтиҳонини топширишга руҳсат бериш ёки руҳсат беришини рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласиди. Рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, рад этиш сабаблари кўрсатилади.</p> <p>2. Аризаларни кўриб чиқиш натижаларини кўриб чиқиш якунлангандан сўнг бир иш куни ичida талабгорнинг шахсий кабинетига юборади.</p>	<p>Ариза берилган ойнинг 11-кунидан 15-кунига қадар (15-кунидан ҳам)</p> <p>Қарор қабул қилингандан сўнг уч иш куни ичida</p>
3-босқич	Аудиторлар палатаси	Малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида талабгорни ёзма ёки электрон хабар шаклида хабардор қиласиди.	Малака имтиҳони ўтказиладиган кундан камида беш кун олдин

4-босқич	Имтиҳон комиссияси	<p>1. Малака имтиҳони белгиланган вақтдан бошлаб уч соат давомида тест синови усулида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши устидан назорат қилади.</p> <p>2. Малака имтиҳони натижаларини баённома орқали расмийлаштиради.</p>	Малака имтиҳони ўтказилган куни
5-босқич	Аудиторлар палатаси	<p>1. Малака имтиҳони натижаларини ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилади.</p> <p>2. Талабгорга малака сертификатини расмийлаштиради ва электрон шаклда юборади.</p>	Малака имтиҳони ўтказилган кундан кейин уч иш куни ичидা

Ўзбекистон Республикаси
 Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги
 Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда
 вазирликлар ва идораларнинг ички аудит
 хизматлари ходимлари малакасини сертификат-
 лаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

(Ўзбекистон аудиторлар палатаси мансабдор шахсига)

да яшовчи

(яшаш манзили)

дан

(ариза берувчи Ф.И.О.)

(алоқа телефони)

(электрон почта манзили)

АРИЗА

Менга ички аудит миллий малака сертификатини олиш/амал қилиш муддатини узайтириш учун* малака имтиҳонини топширишга/қайта расмийлаштиришга* рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага қўйидагилар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

20____ йил «____» _____

шахсий имзо _____

* Керакли сўзларнинг тагига чизилади.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги
Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда
вазирликлар ва идораларнинг ички аудит
хизматлари ходимлари малакасини сертификат-
лаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

НАМУНА

ЎЗБЕКИСТОН АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ

Хужжат раками: _____

QR-код

ИЧКИ АУДИТ МИЛЛИЙ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

Ф.И.О.:

Расмийлаштирилган сана:

Амал қилиш муддати:

Сертификатнинг амал қилиш муддати узайтирилди:

20__ й. «__» _____ дан муддатсиз даврга

(Ўзбекистон аудиторлар палатаси мансабдор шахсининг Ф.И.О.)

Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда вазирликлар ва идораларнинг
ички аудит хизматида фаолият юритши учун ички аудит миллий малака
сертификати 20__ йил «__» _____ да берилди. Сертификат эгаси
сертификат олган йилдан кейинги йилдан бошлиб белгиланган тартибда
малака ошириш курсини ўташи шарт.

Уишибу электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар
тўғрилигини текшириши учун igaudit.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон
ҳужжат ракамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер
қилинг.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**54 Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун
«Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап»
(President Tech Award) танловини ўтказиш тартиби тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги экспортга йўналтирилган ва жаҳон бозорида рақобатбардош стартап лойиҳаларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон қарори билан Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлигининг 2023 йилдан бошлаб ҳар йили ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стартап лойиҳаларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан умумий мукофот жамғармаси 1 миллион АҚШ доллари бўлган Президент соврини учун танлов ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутивчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап» (President Tech Award) танловини (кейинги ўринларда — танлов) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

соҳа ва тармоқлар ривожи учун хизмат қиладиган, ёшлар томонидан илгари сурилган илфор бизнес-фоялар ва истиқболли стартап лойиҳаларни саралаш тизимини яратиш;

экспортга йўналтирилган ва жаҳон IT-бозорига мўлжалланган дастурий маҳсулотлар яратилишини қўшимча рафбатлантириш;

танлов доирасида иқтидорли ёш дастурчиларнинг тажрибасини ва уларнинг жамоада ишлаш кўникмасини ошириш;

ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига бўлган қизиқишини янада ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап» (President Tech Award) танловини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансан:

танловни ўтказиш билан боғлик тегишли қарорлар қабул қилиш, танловни ўтказиш муддатлари ва масъулларини белгилаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 февралда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

танловни ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш маросимини ташкил этиш; танлов ғолибларининг лойиҳаларини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳала-рида амалиётга жорий этилишига кўмаклашиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) танлов 2023 йил май ойидан бошлаб ҳар йили 5 та асосий ва 1 та маҳсус ўнналиш бўйича ўтказилади;

б) танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар тасдиқланган харажатлар сметаси асосида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Бунда харажатлар сметаси ҳар йили 1 майга қадар «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси» МЧЖ (ке-йинги ўринларда — ИТ-парк дирекцияси) томонидан ишлаб чиқлади ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тасдиқланади;

в) танлов доирасида аризаларни қабул қилиш, иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш, танловни ёритиш ва танлов ўтказилиши билан боғлиқ бошқа тадбирлар маҳсус портал орқали ИТ-парк дирекцияси томонидан амалга оширилади;

г) ИТ-парк дирекцияси ташкилий қўмитанинг ишчи органи ҳисобланади ва унга танлов босқичлари шаффоғ ўтказилишини таъминлаш мақсадида энг яхши таклифларни танлаб олиш ўёли билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизматлар кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш орқали шартнома тузиш ҳуқуқи берилади.

Бунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизматлар кўрсатувчи ташкилот маҳсус порталдан келиб тушган номзодларнинг аризаларини кўриб чиқиш, танлов иштирокчиларини саралаш ва лойиҳаларни баҳолаш вазифаларини бажаради;

д) танлов ғолиблари қўйидаги тартибда аниқланади:

асосий ўнналишлар бўйича — жамоатчилик томонидан маҳсус порталда овоз бериш орқали;

маҳсус ўнналиш бўйича — ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра танлов ғолиблари ИТ-парк дирекцияси томонидан Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қўйидаги миқдорларда Марказий банкнинг тўлов амалга ошириладиган кундаги расмий курси бўйича миллий валюта эквивалентида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

а) танловнинг 5 та асосий ўнналишлари бўйича:

1-ўрин учун — 100 000 АҚШ доллари;

2-ўрин учун — 50 000 АҚШ доллари;

3-ўрин учун — 30 000 АҚШ доллари;

б) танловнинг маҳсус ўнналиши бўйича (битта) — 100 000 АҚШ доллари.

6. Рақамли технологиялар вазирлиги:

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси

маблағлари хисобидан 2023 йил 1 майга қадар танлов иштирокчиларини рўйхатга олиш ва янгиликларни ёритиб боришга ихтисослаштирилган маҳсус портал ишга туширилишини таъминласин;

2023 йилда ўтказилиши белгиланган танлов натижасига кўра 2023 йил 1 декабрга қадар ушбу қарор билан тасдиқланган Низомни такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 2023 йил 1 марта бошлаб ИТ-парк дирекциясига унинг резидентлари томонидан ҳар ой ўтказиладиган ажратмалар миқдори, улар томонидан яратилган дастур, миллый ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар аудиториясининг қамрови 500 минг фойдаланувчидан ошганда 25 фоизга, 1 миллион фойдаланувчидан ошганда 50 фоизга пасайтирилиши белгилансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 15 февраль,
66-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 15 февралдаги 66-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун
«Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап»
(President Tech Award) танловини ўтказиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап» (President Tech Award) танловини (кейинги ўринларда — танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ариза берувчи — танловнинг асосий ёки маҳсус йўналишларида иштирок этиш истагини билдирган, маҳсус портал орқали электрон шаклда ариза топширувчи жамоанинг масъул вакили;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизматлар кўрсатувчи ташкилот (кейинги ўринларда — масъул ташкилот) — порталдан келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш, танловнинг асосий йўналишлари бўйича иштирокчи жамоаларни саралаш ва лойиҳаларни баҳолаш, танловнинг маҳсус йўналиши ғолибини аниқлаш вазифасини бажарувчи ташкилот;

жамоа — танловда иштирок этиш мақсадида махсус порталда рўйхатдан ўтган гурух;

жамоанинг масъул вакили — жамоа номидан ягона қарор қабул қилувчи ҳамда жамоанинг фикрлари ва ғояларини ифодаловчи шахс;

ишчи орган — «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси» МЧЖ;

лойиҳа — иштирокчи жамоалар томонидан мазкур Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот;

маҳсус портал (кейинги ўринларда — портал) — танлов иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш, танлов талаблари ва муддатлари ҳақида ҳамда танлов билан боғлиқ бошқа маълумотлар жойлаштириладиган «www.awards.gov.uz» веб-сайти;

муҳим самарадорлик кўрсаткичлари — танлов ғолиблари бўлган жамоаларга лойиҳанинг ривожланишини белгилайдиган ва уни баҳолашга қаратилган кўрсаткичлар;

ментор — иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш бўйича маслаҳат (консультация) бериш орқали ривожлантиришга ёрдам берувчи мутахассис;

ташкилий қўмита — танловни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита.

3. Танловга ташкилий қўмита умумий раҳбарлик қилади.

4. Танловни ўтказишнинг асосий вазифалари қўйидагилар хисобланади:

соҳа ва тармоклар ривожи учун хизмат қиласидиган, ёшлар томонидан илгари сурилган илфор бизнес-ғоялар ва истиқболли стартап лойиҳаларни саралаш тизимини яратиш;

экспортга йўналтирилган ва жаҳон IT-бозорига мўлжалланган дастурий маҳсулотлар яратилишини қўшимча рағбатлантириш;

танлов доирасида иқтидорли ёш дастурчиларнинг тажрибасини ва уларнинг жамоада ишлаш кўникмасини ошириш;

ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига бўлган қизишини янада ошириш.

5. Масъул ташкилот ишчи орган томонидан қўйидаги мезонлар асосида аниқланади:

стартапларни қўллаб-қувватлашга қаратилган танловни ўтказиш, стартапларни ривожлантириш ҳамда акселерация дастурларини ишлаб чиқиш йўналишида З йилдан ортиқ амалий тажрибага эга бўлиши;

ривожланган чет эл давлатларида юридик шахс ташкил этган ва камида 5 та стартапни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни муваффақиятли амалга оширган бўлиши;

нуфузли венчур жамғармалар ва инвесторлар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиши;

технологик тадбиркорлик, венчур молиялаштириш ва IT-консалтинг йўналишларида камида 2 йил иш стажига эга бўлган халқаро эксперталар ва менторлар мавжудлиги.

Бунда ташкилий қўмитага ушбу мезонларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хуқуки берилади.

2-боб. Танлов йўналишлари

6. Танлов 2023 йилдан бошлаб ҳар йили бир маротаба қўйидаги 5 та асосий ва 1 та маҳсус йўналиш бўйича ўтказилади:

а) асосий йўналишлар:

сунъий интеллект технологиялари — сунъий интеллект технологиялари-га асосланган турли хил соҳалар учун ечимлар;

ижтимоий йўналишда рақамли технологиялар — таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, транспорт ва логистика соҳаларида операцион жараёнларни рақамлаштириш, давлат хизматларини электрон тарзга ўтказиш ёки ижтимоий соҳаларда мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган лойихалар;

ахборот ва киберхавфсизлик технологиялари — турли хил соҳаларда дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий комплексларнинг хавфсизлигини таъминлаш, кибержиноятларнинг олдини олишга қаратилган лойихалар;

тадбиркорлик ва молиявий технологиялар — тадбиркорлик субъектлари ва хўжалик бирлашмалари учун электрон тижорат, корпоратив ечимлар ва молия технологияларини яратишга қаратилган лойихалар;

компьютер ва мобил ўйин дастурлари — компьютер ва мобил қурилмалар учун оффлайн ёки онлайн ўйинлар ишлаб чиқиш ҳамда жараёнларни геймификация этишга қаратилган лойихалар;

б) маҳсус йўналиш — ишчи орган томонидан ишлаб чиқиладиган ва ташкилий қўмита томонидан тасдиқланадиган шартлар асосида 72 соат ичида алоҳида дастурий маҳсулотнинг прототипини ишлаб чиқиш. Бунда ишчи орган масъул ташкилотнинг таклифлари асосида танловнинг маҳсус йўналиши бўйича иштирокчи жамоаларнинг олдига қўйиладиган шартларни ишлаб чиқади ва ташкилий қўмитага тасдиқлаш учун киритади.

7. Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши тенденциясига мувофиқ 2024 йилдан бошлаб танлов йўналишларига белгиланган йўналишлар сони доирасида Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ташкилий қўмита томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

3-боб. Танлов босқичлари ва уларни ўтказиш тартиби

8. Танлов мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ олти босқичда ташкил этилади.

9. Биринчи босқичда ташкилий қўмита томонидан ҳар йили 1 майга қадар танлов эълон қилинади ва аризалар қабули бошланади.

10. Иккинчи босқичда ҳар йили 1 июлга қадар ариза берувчилар томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ариза ва унга илова қилинган материаллар портал орқали топширилади.

11. Танловнинг асосий йўналишларида фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, танловнинг маҳсус йўналишида эса қўшимча равишда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резиденти бўлган ташкилотларда фаолият юритаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун жамоаларнинг Ўзбекистон Республикаси-

нинг фуқаролигига эга барча аъзолари порталда «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (OneID) орқали рўйхатдан ўтадилар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар — маҳсус ўйналиш иштирокчиси бўлган жамоалар порталда мавжуд шакл орқали рўйхатдан ўтади.

12. Иштирокчи жамоалар Низомга 2-иловага мувофиқ барча маълумот ва материалларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этадилар.

13. Порталда рўйхатдан ўтиш жараёнида жамоа аъзолари танлов офертасини акцептлаш ўёли билан танлов шартларига розилик билдиради ва ҳар бир жамоага маҳсус идентификация рақами бириктирилади.

Порталда назарда тутилган танлов офертасининг жамоа аъзолари томонидан қабул қилиниши иштирокчи жамоа аъзоларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилишига ёзма розилик берганлигини ифодалайди.

14. Учинчи босқичда ишчи орган ҳар йили 1 июлдан 20 июля қадар портал орқали келиб тушган ариза ва унга илова қилинган материалларнинг тўлиқлигини кўриб чиқади ҳамда мазкур Низом талабларига мослигини текширади.

Бунда ҳар йили 25 июля қадар ариза берувчиларнинг кейинги босқичга ўтганлиги (ўтмаганлиги) ҳақида электрон почта манзилига хабар (порталдаги шахсий кабинетига хабарнома) юборилади ҳамда кейинги босқичга ўтган жамоаларга «иштирокчи» мақоми берилади.

15. Ҳар йили 5 августга қадар иштирокчи жамоалар учун умумий учрашув ва ментор маслаҳатларини олиш мақсадида тадбир ташкил этилади.

Иштирокчи жамоалар ҳар йили 5 августдан 5 сентябрга қадар ўзлари ишлаб чиқсан лойиҳаларни такомиллаштиришлари ва порталга қайтадан жойлаштиришлари мумкин. Кечикиб тақдим этилган лойиҳалар кўриб чиқилмайди.

16. Тўртинчи босқичда масъул ташкилот ҳар йили 5 сентябрдан 25 сентябрга қадар иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган мезонлар ва мазкур Низом талаблари асосида онлайн тарзда жамоа иштирокисиз баҳолайди ва саралайди.

Ҳар бир асосий ўйналиш бўйича энг юқори натижага эга бўлган 10 тадан (жами 50 та) иштирокчи жамоа танлаб олинади ва улар танловнинг кейинги (бешинчи) босқичига ўтади.

Ушбу босқич натижалари лойиҳалар баҳоланганидан сўнг бир ҳафта муддатда порталда эълон қилинади ва улар бўйича жамоанинг масъул вакили электрон почта манзилига кейинги босқичга ўтганлик (ўтмаганлик) тўғрисида хабар (порталдаги шахсий кабинетига хабарнома) юборилади.

Натижалар эълон қилингандан сўнг ҳар йили 5 октябрга қадар навбатдаги босқичга ўтган иштирокчи жамоаларга ишчи орган томонидан тегишли ўйналишлар бўйича менторлар таклиф этилади ва ўз лойиҳаларини такомиллаштириш учун 30 кун муддат берилади.

Иштирокчи жамоалар такомиллаштирилган лойиҳалар ва улар тўғрисидаги маълумотларни порталга қайтадан жойлаштиришлари мумкин. Кечикиб тақдим этилган лойиҳалар кўриб чиқилмайди.

17. Бешинчи босқичда лойихалар тақдимоти ҳар йили 10 ноябрға қадар ташкилий қўмита томонидан белгиланган сана ва жойда анъанавий (оффлайн) тарзда ўтказилади. Бунда ушбу босқичга ўтган иштирокчи жамоалар ўзларининг лойихалари бўйича масъул ташкилотда тақдимот ўтказадилар ва ҳимоя қиласидилар. Лойиха тақдимоти бир ёки бир неча кун бўлиши мумкин.

Танловнинг маҳсус йўналиши бўйича лойихалар тақдимоти ўтказилади. Бунда маҳсус йўналиш бўйича иштирокчи жамоалар 72 соат ичida алоҳида шартлар асосида дастурий маҳсулотнинг прототипини ишлаб чиқадилар ҳамда ўз лойихаларини масъул ташкилотда тақдимот ўтказадилар ва ҳимоя қиласидилар.

Масъул ташкилот ушбу босқичга ўтган иштирокчи жамоаларнинг лойихаларини тақдимотлар натижаси бўйича баҳолайди ва ҳар бир йўналиш бўйича 5 тадан олтинчи (якуний) босқичга ўтадиган иштирокчи жамоаларни аниқлайди.

Лойихалар тақдимоти учун ҳар бир иштирокчи жамоага 15 дақика, хусусан, кириш сўзи ва тақдимот, лойиханинг имкониятларини амалиётда нафойиш этиш ҳамда лойиха бўйича савол-жавоблар учун 5 дақиқадан вақт ажратилади. Тақдимот учун қўшимча вақт берилмайди.

Ушбу босқичда иштирокчи жамоаларнинг лойихалари масъул ташкилот томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Бунда масъул ташкилот томонидан ҳар бир асосий йўналиш бўйича танловнинг кейинги (якуний) босқичига ўтадиган 5 тадан (жами 25 та) иштирокчи жамоа танлаб олинади.

18. Олтинчи босқичда ҳар йили 20 ноябрдан 5 декабрга қадар масъул ташкилот томонидан танловнинг асосий йўналишлари бўйича аниқланган 25 та иштирокчи жамоага жамоатчилик томонидан қўйидаги мезонлар асосида 5 баллик тизим бўйича овоз берилади:

- лойиханинг ташқи кўриниши (интерфейс ва дизайни);
- лойиханинг функционали;
- лойиханинг қулайлиги;
- лойиханинг тайёрлиги (тўлиқлиги);
- лойиханинг долзарблиги.

Жамоатчилик томонидан овоз бериш порталда «Электрон хукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимидан (OneID) рўйхатдан ўтиш орқали амалга оширилади.

Бунда жамоатчилик томонидан овоз бериш натижасига мувофиқ ҳар бир йўналиш бўйича энг кўп овозга эга бўлган, 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган (жами 15 та) иштирокчи жамоалар танловнинг асосий йўналиши бўйича фолиблар ҳисобланади.

Танловнинг асосий ва маҳсус йўналиши бўйича натижалар расман тақдирлаш маросимида эълон қилинади ва ушбу натижалар эълон қилинганидан сўнг икки кун ичida порталда ҳам жойлаштирилади.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ҳар йили 25 декабрга қадар ташкилий қўмита томонидан тантанали равишда ташкил қилинади.

19. Танловнинг асосий йўналишлари бўйича ғолибларга пул мукофотлари йил давомида уч траншда ўтказиб берилади.

Бунда улар пул мукофотининг иккинчи-учинчи траншларини олиш учун ўз лойиҳаларини ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган мухим самара-дорлик кўрсаткичлари асосида такомиллаштириб боришлари зарур.

20. Танлов босқичлари ўтказиладиган муддатлар ва саналарга ташкилий қўмита томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин. Бунда танлов бошланишидан бир ҳафта олдин порталда ўзгартиришлар ҳақида эълон жойлаштирилади.

4-боб. Танловда иштирок этиш учун қўйиладиган талаблар

21. Танловнинг асосий йўналишларида танловда иштирок этиш учун ариза бериш кунида ўттиз ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган шахслар бир жамоа таркибида иштирок этиши мумкин.

Махсус йўналишда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резиденти бўлган ташкилотларда фаолият юритаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам иштирок этиши мумкин.

22. Танловда иштирок этиш учун жамоалар таркиби асосий йўналишлар бўйича 3 — 8 киши ва махсус йўналиш бўйича 3 — 5 кишидан иборат бўлиши керак.

23. Танловда иштирок этиш учун факат 1 та асосий йўналиш ҳамда махсус йўналиш бўйича ариза юборишга руҳсат этилади.

24. Жамоа таркибига жамоанинг масъул вакили мурожаати асосида ташкилий қўмита билан келишилган ҳолда ўзгартириш киритилиши мумкин.

25. Танловда иштирок этиш учун пул ундирилмайди.

26. Иштирокчи жамоалар томонидан танлов доирасида ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилмайди.

5-боб. Иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини баҳолаш ҳамда танлов ғолибларини аниқлаш

27. Масъул ташкилот танловнинг иккинчи-бешинчи босқичларида умумий ҳакамлик қиласида ва иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини тасдиқланган баҳолаш мезонларига асосан баҳолайди ва саралайди, шунингдек, махсус йўналиш ғолибини аниқлайди.

28. Ишчи орган масъул ташкилот таклифлари асосида иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини саралаш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, ташкилий қўмитага тасдиқлаш учун киритади.

Бунда иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини саралаш ва баҳолаш мезонлари:

ташкилий қўмита томонидан ҳар йили танлов эълон қилинадиган кунга қадар янгидан тасдиқланади;

танловнинг иккинчи — бешинчи босқичлари ва махсус йўналиш учун алоҳида тузилади.

29. Танловнинг асосий йўналиши бўйича ғолиблар олтинчи (якуний) босқичда 25 та жамоага жамоатчилик томонидан порталда овоз бериш орқали аниқланади.

Махсус йўналиш ғолиби танловнинг бешинчи босқичида масъул ташкилот томонидан аниқланади.

6-боб. Танловдан четлаштириш тартиби

30. Иштирокчи жамоаларнинг аъзолари томонидан қўйидаги хатти-ҳаракатлар амалга оширилганлиги аниқланса, улар танловдан четлаштирилади:

масъул ташкилотнинг фаолиятига халақит берса;

портал фаолиятига халақит берса;

танлов доирасида аризада кўрсатилмаган, яъни иштирокчи жамоанинг аъзоси бўлмаган шахсларни жалб қилса;

ўз хоҳиши билан танловда иштирок этишни давом эттиришдан воз кечса;

танлов шартларини бузса;

мазкур Низом талабларига риоя қилинмаса.

Масъул ташкилот иштирокчи жамоаларнинг аъзоларини танловдан четлаштириш бўйича ташкилий қўмитага таклиф киритади.

31. Четлаштириш натижасида таркибида уч кишидан камайиб кетган иштирокчи жамоаларнинг масъул вакили бир кун муддатда ташкилий қўмитага ўз жамоаси қайта шакллантирилганлиги ҳақида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ маълумотларни киритиши лозим. Акс ҳолда, ушбу иштирокчи жамоа танловдан четлаштирилади.

32. Ташкилий қўмитанинг иштирокчи жамоалар аъзоларини танловдан четлаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилинади ва қарор қабул қилингандан кейин иштирокчи жамоанинг масъул вакилининг электрон почта манзилига хабар (порталдаги шахсий кабинетига хабарнома) юборилади.

7-боб. Танловни молиялаштириш ва танлов ғолибларини тақдирлаш

33. Танлов ғолиблари қўйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

а) танловнинг 5 та асосий йўналишлари бўйича:

1-ўрин учун — 100 000 АҚШ доллари;

2-ўрин учун — 50 000 АҚШ доллари;

3-ўрин учун — 30 000 АҚШ доллари;

б) танловнинг махсус йўналиши бўйича (битта) — 100 000 АҚШ доллари.

34. Танлов ғолибларига пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўловлар амалга ошириладиган кундаги расмий курси бўйича миллий валютада:

а) асосий йўналиш бўйича — иштирокчи жамоалар аъзоларининг банк карталарига тенг миқдорда Ташкилий қўмитанинг хulosаси асосида бир йил давомида уч траншда;

б) маҳсус йўналиш бўйича — иштирокчи жамоа аъзоларининг банк карталарига тенг миқдорда 15 (ўн беш) иш куни давомида тўлиқ ўтказиб берилади.

35. Танловнинг асосий йўналишлари бўйича ғолибларга:

танлов ғолиблари эълон қилинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни ичидаги пул мукофотининг биринчи транши (50 фоиз миқдорида) тўланади;

пул мукофотининг кейинги икки транши (25 фоиздан) йил давомида муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши асосида ташкилий қўмитанинг қарорига мувофиқ ўтказиб берилади.

36. Танловнинг асосий йўналишлари бўйича ғолиблар пул мукофотининг иккинчи-учинчи траншларини олиш учун ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган муҳим самарадорлик кўрсаткичларини бажариши лозим.

Бунда ишчи орган ҳар йили 15 ноябрга қадар масъул ташкилот таклифлари асосида ишлаб чиқилган муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ташкилий қўмитага киритади.

37. Мазкур Низом шартларини бажармаган ёки бузган, шунингдек, муҳим самарадорлик кўрсаткичларини бажармаган танловнинг асосий йўналишлари ғолибларига пул мукофотининг иккинчи-учинчи траншлари тўланмайди.

38. Муҳим самарадорлик кўрсаткичларини бир йил давомида тўлиқ бажармаган жамоаларга тўланмаган пул мукофоти Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига қайтариб берилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

39. Танловнинг шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида тақдимот ташкилотчилар томонидан ижтимоий тармоқларда ҳамда маҳсус дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда жонли онлайн эфирга узатилиши мумкин.

40. Танловнинг ёпилиш тадбири тантанали равишда ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади.

41. Танлов натижалари юзасидан иштирокчи жамоалар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда мурожаат юборишга ҳақли.

42. Ушбу Низом талабларига амал қилмаган ва унинг талабларини бузган айбдор шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг соврини учун «Рақамли
технологиялар йўналишида энг яхши
стартап» танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун
«Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап»
танловини ташкил этиш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Ташкилий қўмита	Танловни эълон қиласи ва аризалар қабули бошланади.	Ҳар йили 1 майга қадар
2-bosqich	Ариза берувчилар	<p>Низомга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза ва унга илова қилинган материаллар портал орқали топширилади.</p> <p>Танловда иштирок этиш учун жамоаларнинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга барча аъзолари порталда «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона аҳборот тизими (OneID) орқали рўйхатдан ўтадилар.</p> <p>Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар — маҳсус йўналиш иштирокчиси бўлган жамоалар порталда мавжуд шакл орқали рўйхатдан ўтади.</p>	Ҳар йили 1 июляга қадар
3-bosqich	<p>«Дастурий маҳсулотлар ва аҳборот технологиялари технологик парки дирекцияси» МЧЖ (Ишчи орган)</p> <p>Ишчи орган</p> <p>Иштирокчи жамоалар</p>	<p>1. Портал орқали келиб тушган ариза ва унга илова қилинган материалларнинг тўлиқлигини кўриб чиқади хамда Низом талабларига мослигини текширади.</p> <p>Бунда ариза берувчиларнинг кейинги босқичга ўтганлиги (ўтмаганлиги) ҳақида электрон почта манзилига хабар (порталдаги шахсий кабинетига хабарнома) юборилади хамда кейинги босқичга ўтган жамоаларга «иштирокчи» мақоми берилади.</p> <p>2. Иштирокчи жамоалар учун умумий учрашув ва ментор маслаҳатларини олиш мақсадида тадбир ташкил этилади.</p> <p>3. Иштирокчи жамоалар ўзлари ишлаб чиқкан лойиҳаларни такомиллаштиришлари ва порталга қайтадан жойлаштиришлари мумкин. Кечикиб тақдим этилган лойиҳалар кўриб чиқилмайди.</p>	<p>Ҳар йили 1 июлдан 20 июляга қадар</p> <p>Ҳар йили 25 июляга қадар</p> <p>Ҳар йили 5 августга қадар</p> <p>Ҳар йили 5 августдан 5 сентябрга қадар</p>
4-bosqich	Аҳборот технологиялари соҳасида хизматлар кўрсатувчи масъул ташкилот (масъул ташкилот)	<p>1. Иштирокчи жамоаларнинг лойиҳаларини ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган мезонлар ва Низом талаблари асосида онлайн тарзда жамоа иштирокисиз баҳолайди ва саралайди.</p> <p>Ҳар бир асосий йўналиш бўйича энг юкори натижага эга бўлган 10 тадан (жами 50 та) иштирокчи жамоа танлаб олинади ва улар танловнинг кейинги (бешинчи) босқичига ўтади.</p>	Ҳар йили 5 сентябрдан 25 сентябрга қадар

	Ишчи орган Иштирокчи жамоалар	<p>2. Ушбу босқич натижалари порталда эълон килинади ва улар бўйича жамоанинг масъул вакили электрон почта манзилига кейинги босқичга ўтганлил (ўтмаганлик) тўғрисида хабар (порталдаги шахсий кабинетига хабарнома) юборлади.</p> <p>3. Навбатдаги босқичга ўтган иштирокчи жамоаларга ишчи орган томонидан тегишли йўналишлар бўйича менторлар таклиф этилади ва ўз лойихаларини такомиллаштириш учун 30 кун муддат берилади.</p>	<p>Лойихалар баҳоланганидан сўнг бир хафта муддатда</p> <p>Хар ёили 5 октябрдан 5 ноябрга қадар</p>
5-босқич	Иштирокчи жамоалар, масъул ташкилот	<p>1. Ушбу босқичга ўтган иштирокчи жамоалар ўзларининг лойихалари бўйича масъул ташкилотда тақдимот ўтказадилар ва химоя қиласидилар.</p> <p>2. Танловнинг маҳсус йўналиш бўйича лойихалар тақдимоти ўтказилади. Бунда маҳсус йўналиш бўйича иштирокчи жамоалар 72 соат ичидаги алоҳида шартлар асосида дастурий маҳсулотнинг прототипини ишлаб чиқадилар ҳамда ўз лойихаларини масъул ташкилотда тақдимот ўтказадилар ва химоя қиласидилар.</p> <p>3. Ушбу босқичга ўтган иштирокчи жамоаларнинг лойиха тақдимотлари натижаси бўйича баҳолайди ва хар бир йўналишлар бўйича 5 тадан олтинчи (якуний) босқичга ўтадиган иштирокчи жамоаларни аниқлайди. Бунда хар бир асосий йўналиш бўйича танловнинг кейинги (якуний) босқичга ўтадиган 5 тадан (жами 25 та) иштирокчи жамоа танлаб олинади.</p>	<p>Хар ёили 10 ноябрга қадар ташкилий қўмита томонидан белгиланган санада</p>
6-босқич	Жамоатчилик Ташкилий қўмита Ишчи орган Танловнинг асосий йўналишлари бўйича ғолиблар	<p>1. Масъул ташкилот томонидан танловнинг асосий йўналишлари бўйича аниқланган 25 та иштирокчи жамоага белгиланган мезонлар асосида 5 баллик тизим бўйича овоз берилади.</p> <p>Жамоатчилик томонидан овоз бериш натижасига мувофиқ хар бир йўналиш бўйича энг кўп овозга эга бўлган, 1, 2 ва 3-ўрнларни эгаллаган (жами 15 та) иштирокчи жамоалар танловнинг асосий йўналиши бўйича ғолиблар хисобланади.</p> <p>2. Танловнинг асосий ва маҳсус йўналиши бўйича натижалар расман тақдирлаш маросимида эълон килинади ва ушбу натижалар эълон килинганидан сўнг икки кун ичидаги порталда ҳам жойлаштирилади.</p> <p>Танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ташкилий қўмита томонидан тантанали равишда ташкил килинади.</p> <p>3. Танлов ғолибларига пул мукофотлари ўтказиб берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) асосий йўналишлар бўйича — биринчи транш (50 фоиз миқдорида); б) маҳсус йўналиш бўйича — 100 фоиз миқдорида. <p>4. Иккинчи-учинчи траншларни (25 фоиздан) олиш учун мухим самарадорлик кўрсаткичлари асосида ўз лойихаларини такомиллаштиради.</p>	<p>Хар ёили 20 ноябрдан 5 декабрга қадар</p> <p>Хар ёили 25 декабрга қадар</p> <p>Танлов ғолиблари эълон килинган кундан бошлаб 15 иш куни мобайнида</p> <p>Бир ўйл мобайнида</p>

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг соврини учун «Рақамли
технологиялар йўналишида энг яхши
стартап» танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун
«Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап»
танловида қатнашиш учун топшириладиган ариза
ШАКЛИ**

Ариза берувчи ҳақида маълумот	
1.	Жамоа аъзоларининг Ф.И.О.
2.	Жамоа аъзоларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)
3.	Барча жамоа аъзоларининг телефон рақами ва электрон почтаси
4.	<p>Барча жамоа аъзоларининг вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Frontend дастурчи • Backend дастурчи • Data мұхандис • AI мұхандис • Мобил дастурчи • Devops дастурчи • Product менежер • Web дастурчи • Синовчи • Дизайнер • Бошқа
5.	Жамоа иштирок этаётган ҳудуд/вилоят
6.	Жамоа аъзоларининг иш/ўқиши жойи
Лойиҳа тўғрисида маълумот	
7.	<p>Танлов йўналиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Сунъий интеллект технологиялари • Ижтимоий йўналишда рақамли технологиялар • Ахборот ва киберхавфсизлик технологиялари • Тадбиркорлик ва молиявий технологиялар • Компьютер ва мобил ўйин дастурлари
8.	Лойиҳа номи
9.	Лойиҳанинг тавсифи
10.	Лойиҳани тавсифловчи видеолавҳага ҳавола (3 дақиқагача бўлган)
11.	Лойиҳанинг тақдимоти (PDF шаклида) — юклаш ёки унга ҳавола
12.	Лойиҳанинг GitHub платформасидаги ҳавола
13.	Лойиҳанинг прототипи (MVP)га ҳавола
14.	Лойиҳанинг юқори сифатдаги логотипи (юклаш)

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУФИ**

**55 Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидалари-
га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2238-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ-770-сон «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2011 йил 11 апрелдаги 45-сон буйруфи (рўйхат рақами 2238, 2011 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 26-сон, 275-модда) билан тасдиқланган Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Рақамли технологиялар вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва «Uzbekistan Airways» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАҲКАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 27 январь,
1-сон

Келишилди:

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

А. АЗИЗОВ

2023 йил 20 январь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 февралда эълон қилинган.

*Рақамли
технологиялар вазири*

Ш. ШЕРМАТОВ

2023 йил 24 январь

*Монополияга қарши
курашиб қўмитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2023 йил 16 январь

*«Uzbekistan Airways» АЖ
бошқарув раиси*

И. МАҲКАМОВ

2023 йил 17 январь

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 27 январдаги
1-сон бўйргуфига
ИЛОВА

**Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 78-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«78. Йўловчига ҳаво кемаси салонида қўл юқидан ташқари ўзининг зарур эҳтиёжи учун керак бўладиган шахсий буюмларини (масалан портфел, аёллар сумкачаси, хужжатлар учун жилд, соябон, хасса, устки кийим, гулдаста, парвозда ўқиш учун босма нашрларни, бола учун озуқани ва болалар йўл бешиги, ногиронлиги бўлган шахслар учун ўриндиқли аравача ёки жисмоний имкониятлари чекланган йўловчиларнинг ҳаракатланишлари учун мослаштирилган анжомлар ва бошқалар) ташишга рухсат берилади.».

2. 93-банднинг олтинчи хатбошисидаги «ногиронлар аравачаси» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган шахслар учун ўриндиқли аравача» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

3. 96-банддаги «Шахсий қурол, ов ва спорт мақсадларига мўлжалланган қурол» деган сўзлар «Фуқаровий қурол, хизмат қуроли, жанговар қурол» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

56

**«Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали
электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий
банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Тўловлар
ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил
17 январдаги 1/3-сон «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали
электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) (Ўзбекистон
Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 48-модда) илова-
га мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 4 январь,
30/27-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2023 йил 16 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
4 январдаги 30/27-сон қарорига
ИЛОВА

**«Марказий банкнинг банкларарабо тўлов тизими орқали
электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Қарор муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қиласди:».

2. Низомда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Марказий банкнинг банкларарабо тўлов тизими орқали электрон тўлов хужжатлари асосида тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.»;

б) 14-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Филиалга эга бўлмаган банк ёки банк филиалини банкларарабо тўлов тизимига улаш учун:

1) қонунчиликда белгиланган тартибда банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлиши, бундан банк филиали мустасно;

2) Банк Депозиторларининг Миллий Ахборот базаси (кейинги ўринларда — БДМАБ)да хос ракам (унивал код)га эга бўлиши;

3) банкларарабо тўлов тизими билан маълумот алмашинувини таъминлаш имконини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга бўлиши керак.»;

в) 15-банднинг 3-кичик бандидаги «рўйхатдан ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 17-банднинг 2-кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) Электрон тўловлар фақатгина банкларнинг вакиллик ҳисобваракларидаги маблағлар қолдиги доирасида амалга оширилади, бундан шартномада кўзда тутилган холлар ҳамда Марказий банкнинг клиринг асосида ишловчи тўлов тизимларидан олинган банклар ўртасидаги якуний ҳисоб-китобга оид маълумотлар асосида электрон тўловларни амалга ошириш мустасно. Бунда, банкларнинг вакиллик ҳисобваракларида электрон тўловларни амалга ошириш учун етарли маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу маблағлар овердрафт сифатида акс эттирилади.»;

д) қўйидаги мазмундаги 18¹-банд билан тўлдирилсин:

«18¹. Конунчилик хужжатларида белгиланган тартибда банкларнинг вакиллик ҳисобварагидан маблағларни акцептсиз тарзда ҳисобдан чиқаришда Марказий банк мемориал ордердан фойдаланади.»;

е) 31-банд ўз кучини ўқотган деб топилсин;

ж) қўйидаги мазмундаги 40¹-40²-бандлар билан тўлдирилсин:

«40¹. Марказий банкнинг клиринг асосида ишловчи тўлов тизимларидан олинган банклар ўртасидаги якуний ҳисоб-китобга оид маълумотлар асосида электрон тўловларни амалга ошириш учун банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварафида етарли маблағ мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур вакиллик ҳисобварафида овердрафтни шакллантириш орқали банклар ўртасидаги якуний ҳисоб-китоб ниҳоясига етказилади.

40². Операцион кун охирида вакиллик ҳисобварафида овердрафт юзага келган банкнинг Марказий банк ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўловлар тизими орқали операциялари кейинги иш кунидан бошлаб вакиллик ҳисобварафида ижобий қолдиқ шакллангунга қадар тўхтатилади.

Банкнинг вакиллик ҳисобварафида ижобий қолдиқ шаклланган куннинг ўзида Марказий банк ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўловлар тизимида ушбу банкнинг электрон тўловларни амалга ошириш имконияти қайта тикланади.»;

з) 46-банддаги «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварафи етарли ижобий қолдиққа эга бўлиши керак» деган сўзлар «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварафида етарли маблағ мавжуд бўлиши керак» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 27 январдаги «Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2238-4.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/27-сон «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-5.